

Таҳририят кенгаши:
Х.Б.Юнусов – СамДВМЧБУ ректори,
профессор (ранс)
Ж.А.Азимов – ЎзР ФА академиги (аъзо)
Б.Т.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси
ранси (аъзо)
А.И.Ятусевич – РФА академиги (аъзо)
Е.Д.Джавадов – РФА академиги (аъзо)
Ю.А.Юлдашибаев – РФА академиги (аъзо)
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Шабунин – РФА академиги (аъзо)
К.В.Племишов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Позябин – профессор (аъзо)
Ш.А.Джабборов – профессор (аъзо)

Таҳир хайъати:
Х.Салимов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Б.Давлатов – профессор
Б.Бакиров – профессор
Б.М.Эшбуриев – профессор
Н.Б.Дилмуров – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.А.Элмуров – профессор
А.Г.Ғафуров – профессор
Н.Э.Юлдашев – профессор
Х.Б.Ниёзов – профессор
Ю.Салимов – профессор
Б.Д.Нарзиев – профессор
Р.Ф.Рӯзикулов – профессор
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.И.Федотов – ВДВМА доценти
Х.К.Базаров – доцент
Б.А.Кулиев – доцент
Ф.Б.Ибрагимов – доцент
З.Ж.Шопулатова – доцент
Н.Б.Рӯзикулов – доцент
Д.Д.Азизов – доцент
Ш.Х.Курбонов – доцент
Ж.Б.Юлчев – доцент
О.Э.Ачилов – доцент

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
 Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:
 Ветеринария ва чорвачиликни
 ривожлантириш қўмитаси
Муассислар:

Ветеринария ва чорвачиликни
 ривожлантириш қўмитаси,
 "AGROZOOVETSERVIS"
 маъсулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2018 йил
 2 февралда 0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22.
Таҳририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри,
 Күшбеги кўчаси, 22-үй

Тел.: **99 307-01-68,**

Фақат телеграфий учун **97 770-22-35.**

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

Адади 3550. Нашр индекси:1162

Босишига руҳсат этилди: 26.01.2024.

Бичими 60x841/8. Офсет усулида чоп
 этилди. 4.25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #01 (194) 2024 "PRINT-
 MAKON" МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25-мавзе,
 47-үй, 45-хонадон.

Табрик
Б.А.Элмуровдов – Устозлар меҳрини қозонган олим..... 3

Ташхис марказларида
А.Алиқулов – Янгича тафаккур – муаммолар кушандаси..... 5

Долзарб мавзу
Х.Б.Юнусов – О создании университетского научного бизнес-инкубатора в подготовке кадров для развития ветеринарной сферы..... 9
R.Ya.Nurillayev, N.B.Amirqulova, J.A.Bozorov – Chorvachilikdan olingan oziq – ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari 12

Паразитар касалликлар
Н.Э.Йўлдошев, Б.Д.Курбаниязов, Ж.Т. Матниязова, Ў.Ў. Алланиязов – Қорақалпоғистон Республикасида фасциолёз касаллиги ва унинг тарқалишини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар 15
A.N.Bo'ronov, Sh.X.Qurbanov – Qoramol gipodermatozi qo'zg'atuvchilarining biologik va epizootologik xususiyatlari 17

Юқумсиз касалликлар
И.А.Собиров – Бўрдокига боқилаётган гўшт-ёғ йўналишдаги кўчкорларда гиповитаминоз В₁ касаллиги ва уни бартараф этиш чоралари 20

Ҳайвонлар ва паррандаларнинг анатомияси
(патфизиологияси)

Н.Э.Худайназарова, Н.Б.Дилмуров, Ш.З.Дониёров –
 Товуқлар стилоподий суяклари таркибидаги Са ва Р
 микдорининг постнатал онтогенезда ўзгариши 22

O.A.Djurayev – Patoloqoanatomik yorib tekshirish natijalarini tahlil qilish va umumlashtirish tartibi 25

Ветеринария доришунослиги(фармокопеяси) ва
токсикологияси
Г.Х.Камаладдинов, Г.Ф.Макаревич, П.Хасанова,
Н.Б.Рузиколов, Е.А.Химич – Эффективность ветеринарного
 препарата «Унитокс» в комплексной терапии при болезнях
 молодняка, сопровождающимися токсическими явлениями 27

Лаборатория амалиёти
Н.Э.Йўлдошев, С.Х.Эшмуров, А.А.Юзбоев, Ж.Н.Даминов –
 Антгельминт препаратлар таркибини ультрафиолетли
 нурланиши спектрофотометр ёрдамида аниқлашнинг
 самарадорлиги 29

Кутлов
Н.Фармонов – Сизга ҳавасим келади, Исаев 31

Сўзи залворли, ҳаёти ибрат
Сирожиддин – Ассалому алайкум, Рамонжон ака 32

Замон билан ҳамнафас
Севинч Эргашева – Ютуқлар ташаббускорликда 34

Яхшилар қаримайди
Аброр Худайбердиев – Ветврачлар оқсоқоли 35

Диккат: эътибор беринг
 2024 йил "Veterinariya meditsinasi" ва "Chorvachilik va naslchilik ishi" журнallariga илмий мақолаларни қабул қилиш, кўриб
 чиқиш ва чоп этиш тартиби 36

Editorial council

- Kh.B.Yunusov** - Rector of Samarkand State University of Veterinary Medicine, Animal Husbandry and Biotechnology, professor(chairman)
J.A.Azimov - UzAS academician (member)
B.T.Norkobilov - Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)
A.I.Yatusevich - RAS academician (member)
E.D.Djavadov - RAS academician (member)
Yu.A.Yuldasbaev - RAS academician (member)
D.A.Devrishov - RAS correspondent member (member)
S.V.Shabunin - RAS academician (member)
K.V.Plemishov - RAS correspondent member(member)
S.V.Pozyabin - professor (member)
Sh.A.Jabborov - professor (member)

Editorial board

- H. Salimov** - professor
K. Norboev - professor
A. Daminov - professor
R.B. Davlatov - professor
B. Bakirov - professor
B. M. Eshburiev - professor
N.B. Dilmurodov - professor
F. Akramova - doctor of biology, professor
B.A. Elmurodov - professor
A.G. Gafurov - professor
N.E. Yuldashev - professor
Kh.B. Niyazov - professor
Yu. Salimov - professor
B. D. Narziev - professor
R. F. Ruzikulov - professor
A.A. Belko - associate professor of VSAVM
D.I. Fedotov - associate professor of VSAVM
Kh.K. Bazarov - associate professor
B.A. Kuliev - associate professor
F.B. Ibragimov - associate professor
Z.J.Shopulatova - associate professor
N.B.Ruzikulov - associate professor
D.D.Aliev - associate professor
Sh.Kh.Kurbanov - associate professor
J.B.Yulchiev - associate professor
O.E.Achilov - associate professor

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,
“AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22, Tashkent, 100022
Tel.: **99 307-01-68,**
97 770-22-35

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

circulation: 3550. Index: 116

Permitted for print: 26.01.2024. Format 60x84 1/8
Printed by Offset printing 4,25 press works Order #

Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #01 (194) 2024

Printed by “PRINT-MAKON”
Co., Ltd., Tashkent city.
47/45, Chilanzar 25 quarter .

Congratulations

- B.A.Elmurodov** – A scientist who has earned the kindness of teachers.. 3
A. Alikulov – New way of thinking – a problem eliminator..... 5

Challenging theme

- Kh.B. Yunusov** – On the creation of a university scientific business incubator for training personnel for the development of the veterinary sector 9
R.Ya.Nurillayev, N.B.Amirkulova, J.A.Bozorov – The main directions of ensuring the safety of food products from livestock 12

Parasitic diseases

- N.E.Yuldashev, B.D.Kurbaniyazov, J.T.Matniyazova,**
U.U.Allaniyazov – Studies on the fascioliasis and its spread in the Republic of Karakalpakstan..... 15
A.N.Buranov, Sh.Kh.Kurbanov – Biological and epizootological features of causative agents of cattle hypodermatosis 17

Non-contagious diseases

- I.A. Sobirov** – Hypovitaminosis B1 disease in fat-meat rams fed for fattening and measures to eliminate it 20

Anatomy (pathophysiology) of animals and birds

- N.E.Khudaynazarova, N.B.Dilmurodov, Sh.Z.Doniyorov** – Changes in the amount of CA and P in the stylopodial bones of chickens during postnatal ontogeny 22
O.A.Djurayev – The procedure for analyzing and summarizing the results of pathologoanatomical examination..... 25

Veterinary pharmacology (pharmacopoeia) and toxicology

- G. Kh. Kamaladdinov, G. F. Makarevich, P. Khasanova, N. B. Ruzikulov, E.A.Ximich** – Effectiveness of the veterinary preparation “Unitox” in complex therapy for young animal diseases accompanied by toxic manifestations 27

Laboratory practice

- N.E. Yuldashev, S.Kh. Eshmurodov, A.A. Yuzboev, J.N. Daminov** – Effectiveness of determining the composition of anthelmintic drugs using an ultraviolet radiation spectrophotometer 29

Sincere congratulations

- N.Farmonov** – I am looking at you with admiring envy, Isaev 31

His words are pious, his life is exemplary

- Sirojiddin** – Assalamu Aleykum, Ramonjon 32

Keeping up with the times

- Sevinch Ergasheva** – Achievements are in initiative 34

The good do not grow old

- Abror Khudayberdiev** – Elder of veterinarians..... 35

Attention:

- The procedure for submission, review and publication of scientific articles to the journals “Veterinariya meditsinasi” (“Veterinary Medicine”) and “Chorvachilik va naslchilik ishi” (“Livestock and Breeding”) from January 1, 2024 36

УСТОЗЛАР МЕХРИНИ ҚОЗОНГАН ОЛИМ

Нашримиз саҳифаланаётган кунларда Самарқанддан хушхабар олдик. Таниқли олим, ветеринария фанлари доктори, ВИТИнинг катта илмий ходими, ташаббускор акамиз Гулмурод Ҳамидович 60 ёшни қаршилабдилар. Ишонгимиз келмади, наҳотки, дедик, сиз ҳам расмга эътибор беринг, нари борса 45 ёш бerasiz. Бунинг боиси нимада? Балки инсон доимо яхшиликни кўзласа, ҳалоллик билан елиб-югурса, ҳавас билан яшаса қаримасмикин?..Балки домланинг ёш кўрининиши оиласи мухитдан, янгамизнинг меҳрию пазандалиги, шириңсўзлиги, фарзандларнинг отасини кувонтириб ҳаётда ўз ўрнини топиб бораётганидандир.

Устозлар меҳрини қозонган Гулмурод Ҳамидович бундан роппа-роса 60 йил илгари Ургутнинг Жартепасида таваллуд топган. Қишлоқнинг ишбилиармон кишилари туфайли донғи дунёга кетган бўлсада, ҳали Жартепадан ветврач олим чиқмаган эди. Ёш Гулмурод бу бўшликни тўлдирди, мактабда ҳам институттада ўқиган чоғларида ҳам ўқиш-ўрганишга зўр бериб профессорлар эътиборини қозонди. Институтни қизил диплом билан битиргач, ҳеч иккимай ВИТИнинг туберкулёзни ўрганиш лабораториясига кичик илмий ходим сифатида ишга кирди. Изланишлар йиллар оша ўз самарасини бера бошлади. Гулмурод илмий тадқиқотлар натижасини нуфузли нашрларда чоп эттиреди. Сўнг у 1990 йил “Қорамоллар туберкулезининг олдини олишнинг маҳсус кимёвий воситалари” деб ном олган номзодлик диссертациясини нуфузли илмий кенгашда ҳимоя қилди ҳамда шу тариқа Гулмурод Ҳамидовичга фан номзоди илмий даражаси берилди.

Илмда рақобат кучли, баъзан фисқу фасодлару гурухбозликлар пинҳона пайдо бўлади ёш олимларнинг тинкасини қуритади, бу аччик ҳақиқат, аммо Гулмурод Ҳамидович вақтни беҳуда совурмади, барча фаразларини, илмий фантазиясини амалиётда кўйлашни афзал билди, гоҳ у вилоятда, гоҳ бу вилоятдаги туманларда бўлиб, фермаларда тилсиз жони-ворларни ўрганди, туберкулёзга чалинган ҳайвондаги ўзгаришлар кўламини чуқур таҳлил этди. Шу жараёнларда пишган олим фан доктори илмий даражасига ҳам, ВИТИнинг катта илмий ходими мартабасига ҳам эришди. 2018 йил Гулмурод Ҳамидович (илмий маслаҳатчи проф. Х.Салимов) “Қорамоллар туберкулёзига қарши курашнинг илмий асослари” деб номланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди ва бу



тадқиқот илм оламида катта шов-шув бўлди. Бугун эса ҳақли равишда эътироф этиш лозимки, Республика измизда туберкулёз хасталигини ундан ортиқ биладиган олим йўқ. Шу боис Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисининг топшириғи билан Гулмурод Ҳамидович жойларга чиқиб ҳақиқий аҳволни таҳлил этиш, муаммоларни бартараф этишга астойдил киришган. У мутахассислар малакасини оширишга, ветеринария соҳасидаги давлат сиёсатини тарғиб этишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, Гулмурод Ҳамидович Республика измизда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг эпизоотологияси, диагностикаси, олдини олиш ва қарши кураш бўйича давлат грантлари асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Тадқиқотлар жараённида “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-1” препарати (Ўз.Р.ДВББ ИТК томонидан 21.05.1991 й. тасдиқланган), “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши фаолсизлантирилган вакцина” (Ўз.Р.ДВББ томонидан 28.08.1998 й. тасдиқланган), “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши ЭТИС-2” препарати (Ўз.Р.ДВББ томонидан 12.04.2016. й. тасдиқланган) яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Сўнгги 3 йил давомида муаллиф томонидан туберкулёз ва бошқа бактериал инфекцияларга қарши янги “Рифизостреп” препарати ишлаб чиқилди. Мазкур препарат лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитидаги синовларда жуда яхши натижалар берди. Мазкур препарат айни чоғда Республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг руҳсати билан ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Бундан ташқари Гулмурод Ҳамидовичнинг заковати, илмий изланишлари самараси сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган “Биоветпродукт” МЧЖ билан ҳамкорликда сут эмизувчи ҳайвонлар туберкулёзи диагностикаси учун миллый ППД-туберкулин препарати ишлаб чиқарилди ва Республика ветеринария хизматига кенг тадбиқ этилди.

Фан докторининг шахсий кутубхонаси таниқли профессорлару академикларнидан асло кам эмас. Нафақат Республика измизда, балки ўнлаб хорижий давлатларда ҳам илмий ишлари эътироф этилган олимнинг кутубхонасидан МДХ давлатлари, АҚШ, Европа ва Осиёдаги мамлакатларнинг турли журнал ва тўпламларида унинг имзоси билан чоп этилган 200 га яқин илмий мақолалар, 7 та йўрикнома, 6 та қўлланма,

5 та тавсиянома ва 3 та техник шартлар ва 2 та ташкилот стандарти-Ts , 5 ихтирога патентлар ҳамда 2 та ихтирога дастлабки патентлар хужжати муносиб ўрин олган. Бу китоблару рисолалар, илмий хуласалар ортида хеч шубха йўқки, таникли олимнинг ўтган умри давомида ҳаловатдан кечиб қилган меҳнатию захматлари ётибди. Бундан ташқари, устознинг 2019 ва 2020 йилларда (Германиянинг Дюсселдорф шаҳридаги ҳалқаро “LAP LAMBERT Academic Publishing” нашриётида) ҳайвонлар туберкулёзига бағишиланган 2 та монографияси ҳам чоп этилган. Бу хорижда нашр этилган ва нозиктаъб илмий муҳаррирлар чиғириғидан ўтган китоблар ўзбек олимининг ютуқларини Европада яна бир карра кўз- кўз қилди. Унинг илмий ютуқлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, қўмита раислари томонидан муносиб тақдирланганини ҳам таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари Гулмурод Ҳамидович жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, парламентнинг қўйи палатасида қонун ижодкорлиги билан боғлик йиғилишларда ўз фикрларини баён этди. Унинг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини сил қасаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (11.05.2001й. №215-11) Қонуни ишлаб чиқилди ва парламент томонидан қабул қилинди.

Фан докторининг илмий тадқиқотлари, қашфиётлари амалиётга кенг жорий этилганлиги билан ҳам қадрлидир. Масалан, Гулмурод Ҳамидович 2004 йилдан бўён ЎзМУнинг табиий бирикмалар кафедраси олимлари билан ҳамкорликда туберкулёзга қарши янги “тубазид-МАСКГ”ни, ЎзФА Биоорганика институти олимлари билан “Биофтизиётам”, “Биомайрин” препаратининг 2 хил вариантини, Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари билан ҳамкорликда туберкулёзга қарши янги “Целазон”, Тошкент Кимё технологиялар университетида эса “Тубазид-Инуллин” препаратларини қашф этди. Ана шу оламшумул ютуқлар туфайли у 15 та ҳалқаро миқёсдаги мутахассислик сертификатларига эга бўлди ва ветеринария илм-фанида тилга тушди.



Гулмурод Ҳамидович ўн йилдан ортиқ вақт мөбайнида МДХ давлатларининг Ветеринария фанлари бўйича мувофиқлаштириш кенгаши аъзоси сифатида фаолият олиб борди ҳамда ҳар бир масалага зукколик билан холисона ёндаша оладиган мутахассис сифатида давлат аҳамиятига эга бўлган муаммоларни жойларга чиқиб ҳал этишда фаол иштирок этди.

Айни чоғда у забардаст олим сифатида ВИТИ нинг илмий кенгаши, режим комиссияси ҳамда таҳрир кенгаши аъзоси, юқумли қасалликлар бўйича услубий кенгаш раиси, институт хузуридаги ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар кенгаши раисидир. Шунингдек, Гулмурод Ҳамидович Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгаш ва илмий семинар кенгаши аъзоси, Инновацион ривожланиш вазирлиги эксперти сифатида илм-фан ривожига муносиб ҳисса кўшмокда.

Зиёлилар оиласида тарбия топган, устозларидан энг яхши ҳислатларни – камтарлик, меҳнатсеварликни юқтириб олган дўстимиз Гулмурод Ҳамидовични яна бир карра қутлуғ кун – таваллуд айёми билан барча шогирдлари, жамоамиз номидан табриклаймиз. Фарзандлару оилангиз баҳтига доимо соғу саломат бўлинг, илмий ютуқларингиз янада машхур бўлаверсин.

Бозорбой Элмуродов, Ветеринария илмий-тадқиқот институти директори, в.ф.д., профессор



ЯНГИЧА ТАФАККУР – муаммолар күшандаси

Яна бир ёшга улғайдик. Янги орзулар қанотида олдинга, фақат ва фақат олдинга юряпмиз. Кўнгил ютуқлар истайди, бу ҳаловатдан кечмоқ, машаққатдан кўркмаслик, дегани. Янги йил остонасида ҳётимизнинг ажралмас қисми саналган чорвачилик, ветеринария соҳаларида амалга оширилган ишлар яна бир карра кўз ўнгимизда кинолентадек ўтди. Президентимизнинг кишини руҳлантириб юборадиган давлатлари, соҳани ривожлантиришга қаратилган саъй-харакатлари, ҳалқаро анжуманлар, хорижий давлат раҳбарлари билан учрашувлардаги сўзлари, кўмита раиси талабига кўра тизимда рўёбга чиқарилган ўзгаришлар, эпизоотик барқарорликни таъминлашдаги ташабуслар, ҳалқаро соҳадаги ҳамкорлик кўлами. Буларнинг барчаси йил давомида бутун бўй-бастио аҳамияти билан ижтимоий тармоклару журнал саҳифаларида муттасил ёритиб борилди. Жойларда кўмита кўмаги, маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий ёрдами билан маъмурий бинолар таъмирланди, юзлаб ветучасткаларга тўлиқ жиҳозланган контейнерлар, асбоб-ускуналар етказиб берилди. Касб-кориу билимдонлиги ортидан янги автомашиналар сотиб олган, элга ош берган, димоги чоғ бўлган юзлаб, минглаб ветврачлар борлигини айтмайсиз. Гарчи ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси Кишлок ҳўжалик вазирлиги таркибига кўшиб юборилган бўлсада, бу идоранинг масъулияти ҳам жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳам заррача пасайгани йўқ. Аксинча, мамлакат ахолиси муттасил ўсиб борар экан, чорвачилик ривож то-пади, юқори малакали ветхизматга бўлган талаб, ахолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини коплаши йилдан-йилга кучайиб боради. Бу давр талаби, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам ахвол шундай. Европада, Америкада ветврач энг қадрли инсон, унинг хизмати юқори баҳоланади. Ветврачнинг малакаси, техник имконияти, инновацион салоҳияти давлат эътиборида. У меҳнатига яраша яхшигина ҳақ олади ҳам. Давлатга тегишли идорада ишлайдими ё хусусий амалиёт билан шугулланадими, ветврач деган кишининг қўли узун, у шу жамиятдаги хурматли инсон. Ветеринария тизимининг асбоб-ускуналари тиббиётникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Нега бизда шундай бўлмаслиги лозим? Бу масала ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди ва шу сабабли ҳам Президентимиз чорвачилик ва ветеринария соҳаларига чет эл инвестициясини олиб кириш, бу тармоқда саноатни кучайтириш лозимлигини тақрор ва тақрор таъкидламоқда.

Ўзбек чорвадори, мулқдори ҳеч кимдан кам эмас, уни Президент кўллаётган экан, Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулот етти икlimга тонналаб, неча минг вагонлаб етиб бориши керак, бошқа йўл йўқ. Чунки давлат раҳбари Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот хажмини 100 миллиард доллардан оширишни, агарар соҳада экспортни янада кўпайтиришни ҳақли равишда талаб қилмоқда. Бу давлат ҳам, одамлар ҳам бой бўлади, деганидир. Албатта соҳанинг моддий-техник ахволини тубдан яхшиламасдан, юқори малакали мутахассисларни кўпайтирмасдан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Биргина ветеринария соҳасидаги ташхис марказлари фаолиятига назар ташласак. Бу тизимда ҳали киладиган ишлар жуда кўп, аксарият туманлар ташхислаш марказларидағи холатни яхши дейиш мушкул, аммо қисқа давр оралиғида Баҳридин Тангяриков раҳбарлик қилаётган республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида катта ўзгаришлар юз берди. Биносию ҳовли-жойи буткул қайта таъмирланиб, минглаб гуллару дараҳтларга, арчалару нихолларга бурканган марказ замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди, ташхислаш тизими такомиллашди. Энг муҳими, Президент кўйган талаб – ветеринария хизматидаги ҳалқаро эътироф шу марказ тимсолида рўёбга чиқарилди. Давлат ташхис маркази ҳалқаро сертификатга эга бўлди ва бу ҳақда марказ **ИФТ ва ПЗР лабораторияси мудири Абдурауф Юсубахмедов** шундай дейди:

– Президентимиз 2022 йил 13 июндаги стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари бўйича ўтказган йигилишида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лабораторияни ҳалқаро ва миллий аккредитациядан ўтказиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ кейинги икки йил ичida Фарғона, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари ИСО 17025 стандарти бўйича миллий



аккредитациядан ўтказилди. Ўтган йилнинг 2-ярмида эса Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг “Ветеринария-санитария экспертизаси, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги лабораторияси” ва “Чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озуқаси кимёвий таркибини таҳлил қилиш лабораторияси” ТУРКАК халқаро аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда ушбу лабораториялар томонидан бериладиган синов натижалари хорижда тан олинади ва тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини кўпроқ экспорт қилишига шароит яратади.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, ўтган йил марказимизнинг 10 дан зиёд ҳодимлари Турция, Грузия, Япония каби давлатларда ҳайвонлар касаллигининг замонавий ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича хориж тажрибасини ўрганиши.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бугун текширишга олинган гўшт намунаси қайси турдаги ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлаш жуда муҳим. Бу ҳақда мурожаат кўп. Илгари бу борадаги таҳлил кўп вақтни олар, натижага ҳам тўлиқ бўлмасди. Молекуляр таҳлил усулини кўллаш мувоффик буткул барҳам берди. ПЗР усули орқали гўшт намунасидан ДНК ажратиб олиниб, у орқали ҳайвон турини аниқлашга эришилди. Қолаверса, ПЗР (полимераза занжир реакцияси) усули орқали илк бор дон маҳсулотлари ва ҳайвонлар озуқаси таркибида ГМО мавжудлиги, миқдори аниқланмокда. Бундан ташқари, ҳайвонларнинг пастереллэз, салмонеллэз, бруцеллэз, лептоспироз, листериоз, хламидиоз, инфекцион ринотрахеит, лейкоз каби касалликларига ПЗР усулларда ташхис қўйишни амалга оширидик. Албатта, бу янтиликлар келгусида ўз натижасини беради ва биз анъанавий усулдан воз кечамиз, молекуляр усулда ишлашга тўлиқ ўтамиз. Халқаро ва маҳаллий аккредитациядан ўтган лабораториялар сонини кўпайтириш, хориж тажрибаси асосида ҳодимлар малакасини ошириш, ташхислаш усулларини замонавийлаштириш ва пуллик хизматни ривожлантириш янги йилдаги энг катта мақсадларимиз ҳисобланади.

Гулчехра Турсунова мудирлик қилаётган ветеринария-санитария экспертизаси, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги лабораториясида мутахассисларнинг иш фаолияти билан танишдик. Бу ерда асал маҳсулоти чукур текширувдан ўтказилмоқда.



Асал нечоғлик табиий, истеъмолга яроклими, унинг таркибида қандай шифобаҳаш неъматлар бор, барчасини тажрибали мутахассислар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида ўндан ортиқ кўрсаткичлар бўйича аниқлаб беради.

Матлуба Алламуродова раҳбарлик қилаётган Самарқанд вилоят ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказида 2 нафар фан номзоди, 22 нафар олий маълумотли мутахассислар аҳоли дастурхонига етказилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқда. Бундан ташқари, тажрибали ветврачлар шогирдига айланиб ултурган ёшлар университетининг сиртки бўлимида ўқияпти.

— Озгина эътиборсизлик, чорвачилик маҳсулот-



лари сифатини етарлича назорат қиласлик охир-оқибат ҳайвонларга эмас, айнан одамларга катта хавф туғдиради. Шу боис мутахассисларимиз ўз вазифасига масъулият билан ёндашади, — дейди Матлуба Алламуродова. — Аслида, лабораторияда ишлаш осон иш эмас, бу далада молни даволаб, эгасининг мақтовини эшитишдан тубдан фарқ қиласди, кишидан кунт, зуқколик ва дикқатни талаб этади. Мана шу жойда тобланган, иллатни замонавий ускуналар ёрдамида кузатиб, тўғри ташхис қўя олган кишигина ветеринария тизимидағи исталган лавозим ё манзилда адашмайди. Шу боис университетда дарс берган чоғимда ҳам, бу ердаги таҳлиллар жараённида ҳам ёшларни эътибор билан кузатаман. Ўз қасбини меҳр билан эгаллашга интилаётган мутахассисларни кўрганда эса қувониб кетаман.

Дарвоқе, Матлуба Алламуродованинг оталари ҳам ветврач, иктидорли инсонларга меҳнати сингган таникли олим эди. Фарзандларининг ветврач бўлишини истагани ўша пайтлар бобони беҳад қувонтириди. У ўринбосарларига бир олам меҳрга тўлиб оқ йўл тилади ва ана шу дуо бугун Матлубани қўллаб турибди. Бу ҳам Аллоҳнинг марҳамати. Келгусида бу аёл отасидек эл назарига тушган олим бўлиши тайин. Фақат меҳнату тадқиқотлар машҳқатидан чўчимаса бас. Вирусология лабораторияси мудири, ветеринария фанлари номзоди Т.Ғазнакулов, ВСЭЛ мудири З.Абдураҳмонова, ветеринария врачи Ю. Тўғизова, серология лабораторияси мудири Ш.Муҳаммадиев, ветеринария врачи Н.Норбоева ўз умрини мана шу марказ билан боғлаган. Бактериология лабораторияси мудири Г.Урунова, ветврач Ш.Садиновалар ҳам ҳамкасларига ўрнак. Бир сўз билан айтганда, бу аҳил жамоада дангасанинг ўзи ўйқ. Балиқ, асалари ва қуён касалликлари лабораториясида кўп йиллик тажрибага эга малякали мутахассис Г. Самиева мудир, А.Асроров эса унга

ТАШХИС МАРКАЗЛАРИДА



күмакчи. Ўтган йил ташхис марказида ҳам ИФА ва ПЦР лабораторияси ўз фаолиятини бошлади. Аслида бу жуда муҳим янгилик. С.Кўчкорова мудирлик қилаётган мазкур лабораторияда йирик ва майда шоҳли ҳайвонлар, парранда, чўчқаларнинг инфекцион ва инвазион касаллуклари замонавий, ишончли, тезкор текшириш усуллари ёрдамида аниқланмоқда. Радиология лабораториясида ишлаётган С.Таджиев ва К. Бурхановани ҳам, виварий бўлимидаги М.Турсуноваларнинг фаолиятини ҳам назардан қочирмадик. Чунки улар ҳам нашримизни муттасил ўқишаркан.

– Биз ҳакимизда ёзадиган бўлсангиз, директоримизни албатта мақтаб ўтинг, унинг самимилиги ва камтарлиги туфайли ҳар тонг ишхонага меҳр истаб шошамиз, – дейишиди марказ мутахассислари.

Булунгурдаги ташхислаш марказида бўлган чоғ директор Шухрат Абдураимовнинг телефондаги сўзлашуви эътиборимни тортди.

– Кечирасиз, иккинчи линиядан отам телефон қиляптилар, сизга қайтиб чиқаман. Алё, ота, яхшимисиз, лаббай, хўп бўлади, хўп.

Марказ директори яна номер терди, узилиб қолган сухбат давом этди. Телефон тингач, у шундай деди: туманимиз ҳокими билан гаплашдим, сизни айтдим, яхши жойларни кўрсатинг, деди.

– Наҳотки, одатда ҳоким деганлари ветврачларга пастроқ назар билан қарайди, сиз эса уни отам телефон қиляпти узуб кўйдингиз.

Ҳайратимни яширамадим.

Шухрат Абдураимов кулди:

– Ҳаммаси раҳбарнинг ўзига боғлиқ, – дейди у. – Алдаманг, топширикни адолатли бўлса, вақтида дўндириб кўйинг, ким сизга нима дейди, қоловерса, ўзим илгари бироз вақт ҳокимликда ишлаганман, у ернинг ҳавосини биламан, сўнг бу ерга келдим. 35 сотих ҳовлиси, икки қаватли ҳашаматли биноси бўлган идора қаровсиз ҳолда экан, ҳокимга илтимос қилдим, маҳаллий кенгаш депутатларига тушунтирдим. Шу тариқа 220 миллион сўм олиб таъмирилаш ишларини бош-



лаб юбордик. Ҳадемай таъмирилаш битади. Қўклам келса янги ниҳоллар, гуллар экамиз. Ишхона дегани ишловчига ҳакиқий завқ бериши керак-да.

ВСЭЛ мудири Зарип Умировнинг эътироф этишича, ўтган йил Булунгур дехқон бозорига сотиш учун олиб келинган жами 134 килограм жигар маҳсулоти таҳлил натижасига кўра сифатсиз бўлгани сабабли йўқ килинган. “Юкори

нукта” постида тўхтатиб қолинган сифатсиз гўштлар ҳам шу ерда, Зарип Умиров ва унинг қўлида ишлаётган ветлаборант Сабоҳат Боймуродова томонидан текширилмоқда. Ўтган йил ўша постда ушлаб қолинган 1тонна бир юз килограм хажмидаги қорайиб кетган гўштлар ҳам ВСЭЛ хуласасига кўра йўқ килинди.

– Замонавий асбоб-ускунада текшириб хуласа беринг, эътирозга заррача ўрин қолмайди. Баъзан биз берган хуласани ҳам тан олмайдиган кишилар учраб колади. Шаллақилик билан устун келмоқчи бўлишади, ахир катта зарар кўяряпти-да, – дейди Зарип Умиров. – Шу маҳсулотни пишириб ўзингизга берсак ейсизми, балки буни фарзандларга раво кўрарсиз. Оқилона жавоб нишонга теккач, айбдор жим қолади. Умуман олганда, бозорда кўпчилик билан ишлаш кийин, аммо биз эплаяпмиз, менимча бу ташхислашда адашмайтанимиз, қаллобларга шерик бўлмайтанимиз хосиятидан.

Жомбой туманидаги дехқон бозорида гўшт сотаётган Содик Ахмедовнинг отаси ҳам шу иш билан шуғулланган. Диёнатли инсон эди, ўғлим қассобликни танласанг, ҳалол бўл, пулига талаш, килосига эмас, соғлом молни сўй, касалдан қоч, ана шунда одамлар отангга раҳмат, дейди. Сени ишингдан мен ҳам кувонаман, деган. Содик ака ота дуосини олиб кам бўлгани йўқ. Бозорда хурмати баланд инсон-



лардан. ВСЭЛ мудири Илҳом Сафаров ҳам бозорга кирган чоғ биринчи бўлиб Содик ака билан сўрашади, уни ёшларга ибрат қилиб кўрсатади. Содик аканинг эътироф этишича, ВСЭЛ хизмати керак, жуда керак. Чунки бу идора бозорга факат ва факат сифатли маҳсулотни олиб киришнинг кафолатидир. Ҳайвонни күшхонада ё маҳсус сўйиш майдончасида ҳалол-покиза қилиб сўйиш, гўштини харидорни алдамасдан, адолатли сотиш мулк эгасига ҳам кассобга ҳам барака келтиради. Буни молни боқкан ҳам, уни сўйиб сотган ҳам яхши билади. Иймонли бўлинг, бу Аллоҳга хуш келади, дейдилар-ку.

– Дехқон бозорининг қайта қурилгани, гўшт, сут маҳсулотлари расталари алоҳида бўлгани бизга ҳам харидорга ҳам катта қуляйлик яратди. Энг муҳими, Илҳом ака билан доимий ҳамкорликда ишлайпмиз, – дейди Содик Ахмедов. – У берган хуласа эса харидорларимизни кўпайтирмоқда.

Узоқ йиллар Наманган вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига раҳбарлик қилган, кўпчилик хурматини қозонган ташабbusкор инсон Эркин Аҳмадалиев бутун вилоят ҳайвонлар касал-

ликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказига директорлик қилмоқда.

— Вилоятимизда эпизоотик барқарорликни таъминлаш,



хайвонлар касалларлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати билан боғлиқ муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишда марказнинг аҳамияти бекиёс. Шунга мос равишда тажрибали мутахассисларимиз ёшларга ибрат бўлиб меҳнат килишмоқда. Олимжон Мингбоев, Абдурашид Кўчқоров, Хомидхон Кўчқоров, Иброҳим Парпиев, Ахрор Султонов, Фоғирjon Даҳаҳонов сингари билимдон ветврачлар борки, уларнинг

ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин, — дейди Эркин Аҳмадалиев. — Кейинги йилларда чорва бош сонининг ортиб бораётгани, балиқчилик, асаларичилик тармокларида янгидан-янги лойихалар ишга тушгани ташхис марказлари учун ҳам иш ҳажмини кўпайтириди. Умуман олганда, бугун ветеринария хизматига бўлган талаб кучайган. Зотдор мол боқаётган киши борки, тажрибали ва билимдон ветврач билан ишлагиси келади, унинг маслаҳати билан юқори натижага эришсам дейди. Биласиз, ўтган йил вилоятимиз ҳокими ва қўмита ташаббуси билан Наманганд шаҳрида зотдор қорамоллар ҳалқаро кўргазмаси ташкил этилди ва бунда ҳам ветеринария хизмати фаол иштирок этди.

Эркин Аҳмадалиевдан муаммолар ҳақида ҳам сўрадик. У бироз ўйлануб қолди, айтсанми, айтмасанми, деган фикрга борди чоги. Сўнг шундай деди:

— Марказимизда ишлаш учун барча шарт-шароит яратилган, ўзимизнинг ҳашаматли ишхонамиз бор, жамоамиз аҳил, керакли кимёвий воситаларни раҳбарларнинг кўмаги билан оляпмиз. Кўмита раиси Баҳром Тўраевич ҳам, республика ташхис маркази директори Баҳридин Саидович ҳам бизни қўллаб турибди. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси яхши, аммо эътибор бердингизми, жамоамизда ёшлар кам. Бунинг сабаби оддий, институтни битириб келган мутахассислар лабораторияга келиб ишлагиси келмаянти. Иш сўраб келган йигит-қизларнинг саволи битта: ойлик канча? Бир



ярим миллион сўм, деймиз, ростданам шундай-да. Э-э-э. Бир ярим-икки миллион сўм иш ҳақига эрталабдан кечгача ишхонада ўтиришни ёшлар истамайди, бу ҳақиқат. Устига-устак ветеринария бошқармаси, бўлимларида ишлаётган ветврачларнинг маёши шу йилдан бошлаб ошди, оз бўлсада кўпайди, аммо ташхис марказлари негадир эътибордан четда қолди. Тегишли идораларга айтдик, бирор натижа йўқ. Негадир ташхис марказлари иш ҳақини ошириш масаласига ўтгай назар билан қарашмоқда. Раҳбар сифатига бу муаммони ҳал эта олмаётганимдан ўзим ҳам хижолатдаман, — дейди Эркин Аҳмадалиев. — Лабораторияда ўтирган ва асбоб-ускуналар кўмагида кўзга кўринмас иллатни аниклаб бераётган мутахассисга осон тутманг, у ветбўлимда ё ветучасткада ишлаётган киши сингари бирор чорвадор ё томорқачанинг молини даволаб кунига уч-тўрт юз минг сўм тополмайди. Унинг бунга вақти ҳам, имкони ҳам йўқ. Демак, у маошга



кўз тиккан ходим, шундан бошқа пул келадиган ишни у ишхонага келмасдан ё кечкурун амалга ошириши лозим. Бу масала менимча давлат миқёсида ҳал этилиши керак. Ахир аниқ ташхислашнинг нечоғлик мухим эканлигини дунёни титратган пандемия даврида каттаю кичик кўрди. Ўшанда ҳам тиббиёт тизими қатори ветеринария хизмати, унинг юраги ҳисобланган ташхислаш марказлари ходимлари ҳаловатдан кечди. Айниқса, бугун ҳалқаро алоқалар кучайиб, четдан мол кириб келаётган, чегара худудларда эпизоотик барқарорликни сақлаш кундан-кунга долзарб аҳамият касб этаётган маҳал тизимда ишлаётган мутахассисларнинг манфаатдорлиги ривожланган давлатлардагидек юқори бўлиши лозим. Ахир Европадан, Америкадан энг зўр ускуналарни, ташхислаш тизимларини қиммат демай сотиб олишга пул топаяпмиз-у, улардаги меҳнатга ҳақ тўлашни нега оз бўлсада жорий этиш қийин? Бу мамлакатимизда биологик хавфсизликни сақлаш учун ҳам керак, жуда керак.

Эркин Аҳмадалиевнинг сўзларини тинглаб, ҳаробага айланган жойда замонавий чорвачилик мажмуасини ташкил этган тадбиркор Ўткир Сатторовнинг фикри ёдимга тушди. У шундай деганди: — Янги Ўзбекистон деган атама ортида янгича тафаккур, оқилона фикрлаш, ташаббускорлик бўймоги зарур. Сўз билан иш бир бўлсагина, китобга, ўқиш-ўрганишга меҳр қўйган ёшлар ёнимизга кирсагина ислоҳот бўлади. Акс ҳолда, ҳаммаси саробга айланади. Аммо орзу қилишдан, харакатдан асло тўхтамаслик керак. Улуг мақсадлар орзулар қанотида рўёбга чиқади, ишонаверинг.

Абдунаби Алиқулов,
журналист

УДК 619: 614.25

Юнусов Х.Б., д.б.н., профессор, ректор Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий

О СОЗДАНИИ УНИВЕРСИТЕТСКОГО НАУЧНОГО БИЗНЕС-ИНКУБАТОРА В ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ВЕТЕРИНАРНОЙ СФЕРЫ

Аннотация

Статья посвящена подготовке ветеринарных специалистов, способных решать сложные вопросы производственного характера с использованием современных научно-практических подходов, и обеспечение компетентными кадрами государственную ветеринарную службу для развития животноводческой отрасли. Проанализированы использованные ведущими мировыми университетами методики успешной реализации проектов, которые вывели их в лидеры, и обеспечили стабильное развитие системы подготовки высококвалифицированных кадров. Впервые в Узбекистане внедряется инновационный подход в подготовке кадров для ветеринарии и развития животноводческой отрасли.

Ключевые слова: ветеринарная сфера, научный бизнес-инкубатор, концепция совместного создания ценности, тройная спираль, ветеринарный врач, животноводческая отрасль.

Исходя из содержания «Концепции развития науки до 2030 года» и учитывая интенсивное развитие животноводства в Республике Узбекистан на базе Самаркандского университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий разработали научно-инновационный мегапроект по подготовке высококвалифицированных научно-практических кадров для животноводческой отрасли и ветеринарной сферы. По форме организации, механизму реализации и ожидаемой эффективности данный мегапроект в истории ветеринарной науки осуществляется впервые.

Проекты бизнес-инкубаторов давно и успешно реализованы и эффективно продолжаются в ведущих университетах мира. В начале XXI века предложена была концепция совместного создания ценностей, которая, как и идея бизнес-инкубаторов находит распространение в передовых университетах мира. Концепция совместного создания ценностей, предложенная в 2004 году авторами К.Прахаладом и В.Рамасвами, является дополнением для успешного продолжения функционирования бизнес-инкубаторов. Она используется в менеджменте и стала объектом пристального изучения ученых Ф.Рейчелд, Дж.Фюллер, П.Хамфрис и др.

Мегапроект «Научный бизнес-инкубатор» являясь самостоятельной системой может, как и «Концепция совместного создания ценностей», соответствующим образом дополнить известную концепцию бизнес-инкубатора. Выпускники научного инкубатора имея ценные знания и уникальный опыт стажировки в лучших лабораториях представляют собой движущую силу для ветеринарной сферы.

Проект устроен так, что в нем принимают участие представители производства, научно-образовательные учреждения и потребители продукции, производимой в животноводческой отрасли. Животноводческие хозяйства и кластеры получают квалифицированную ветеринарную услугу вместе с зоотехническим обслуживани-

Abstract

The article is devoted to the training of veterinary specialists capable of solving complex production issues using modern scientific and practical approaches and providing the state veterinary service with competent personnel for the development of the livestock industry. The methods used by the world's leading universities for the successful implementation of projects that brought them to the forefront and ensured the stable development of the system for training highly qualified personnel were analyzed. For the first time in Uzbekistan, an innovative approach is being introduced in training personnel for veterinary medicine and the development of the livestock industry.

ем, а также непосредственно принимают участие процессы профилактики и оздоровления животных. Такой совместный труд не только имеет результат по производительности и эффективности, но и эмоционально-психологически улучшает атмосферу сотрудничества. Представители научно-образовательных учреждений, кроме интенсивного получения практических навыков, приобретают опыт взаимодействия с производством, а также совместное решение сложных вопросов закрепляет компетенции в профессиональном смысле. Потребители продукции получают продуктивную безопасность и качество продукции будет ориентировано на данных покупателей, а участие в проекте усиливает психологическую уверенность в качестве употребляемой пищи. Все эти факторы способствуют устойчивому развитию животноводческой отрасли Узбекистана.

Реализация мегапроекта Научный бизнес-инкубатор имеет широкие возможности использовать апробированные механизмы, например кластеры, технопарки, бизнес-инкубаторы и др.

В данной работе мы научный бизнес-инкубатор рассмотрим через механизм технопарка и бизнес-инкубатора действующих на базе университетов. Г.Ицковитцом и Л.Лейдесдорфом предложена теория тройной спирали, в которой университеты рассматриваются как ключевой компонент инновационной системы и активно участвуют социальному-экономическому росту и развитию соответствующий отрасли и области, на территории которой располагается. Формирование тройной спирали происходит последовательными стадиями, и функциональные элементы спирали (университет, государство, производство) определяют стадию развития инновационной системы.

Особенности университетских мегапроектов и их вклад в развитие инновационных систем отдельного государства можно рассматривать на примере Российской Федерации, где на базе ведущих университетов созданы научно-исследовательские центры, но учитывая более

стабильное и длительное развитие взаимодействия практико-ориентированных известных вузов (UBI Index) Европейских стран остановились на них. Шведская фирма UBI Global составила рейтинг бизнес-инкубаторов ведущих Европейских вузов. Анализ успешного развития более 20 бизнес-инкубаторов при университетах Европейских стран позволяет сделать вывод о том, что научный бизнес-инкубатор имеет все шансы на широкое распространение и успех.

Научный бизнес-инкубатор входит в структуру университета и управляет, как инновационно-стратегический отдел развития науки, а также обеспечивает связи с производством и определяет потребительский спрос на товары и услуги. Исходя из этого мы определяем основные цели – укрепление связи науки с производством, поддержка малого предпринимательства обеспечением высокопрофессиональными кадрами, способными решать сложные вопросы становления и развития, совместно с производством создание необходимой инфраструктуры и оказание услуг.

В мегапроекте научный бизнес-инкубатор присутствуют все три элемента тройной спирали предложенной Г.Ицковитцом и Л.Лейдесдорффом: -государство; -университет с научно-производственным технопарком; -производство, предприниматели, заинтересованные в продвижении своего бизнеса и предоставлении современных услуг населению, а также выведении своей продукции на внешние рынки. В данном проекте появляется и четвертая ветвь тройной спирали в лице потребителей, которые не только могут оценивать купленные с прилавков магазинов продукты, но и высказывать замечания о недостатках выпускаемой продукции, а также о своих предпочтения при употреблении данной категории продуктов. Такая обратная связь имеет три положительных момента, во-первых, создаваемый продукт будет являться целевым, во-вторых, потребитель получает моральное удовлетворение от участия в создании употребляемого продукта, и, в-третьих, продукт не пролеживает на прилавках в течение длительного времени.

Создание научного бизнес-инкубатора может инициироваться государством, предпринимателями и университетом. Учитывая тот факт, что в реализации проекта основное место удалено научно-исследовательской базе университета превращение исследовательских идей в реальный продукт может сочетаться с поддержкой начинающегося инновационного бизнеса.

Анализ, проведенный бизнес-инкубаторов ведущих Европейских вузов Шведской фирмой UBI Global, показывает, что все они находятся в университетах, входящих в первые 500 вузов основного мирового рейтинга. Отсюда следует вывод, проекты, созданные в стенах университетов, не входящих в ТОП-1000 вузов, могут иметь успех либо, в случае полноценной поддержки государством, либо, новые идеи нужно реализовывать через вузы, входящие в ТОП-1000.

О финансировании мегапроекта научный бизнес-инкубатор необходимо знать, независимо от того, кто выступает инициатором, основным и первым инвестором выступает государство. На начальном этапе поддержка зарождающемуся научному инкубатору, может быть, в виде прямых инвестиций, грантов, дотаций и льготных кредитов. Научный инкубатор требует высокого капиталовложения на начальном этапе и окупаемость осуществляется не на прямую, а опосредованно. Выпускники, владеющие необходимыми компетенциями, начинают основную трудовую деятельность через два года, а эффективность их работы начинает появляться еще через год. Поэтому, срок начала окупаемости проекта не менее трех лет. Отсюда видно, только государство обладает достаточными средствами и возможностью для реализации мегапроекта.

Подготовка научных кадров с инновационными компетенциями при классическом подходе дорогостоящий и длительный процесс, и на этом фоне деятельность научного инкубатора имеет ряд преимуществ. В новом Узбекистане для подготовки одного доктора PhD требуется три года времени 180 млн сум средств (только в виде стипендии) и не очень прозрачная научно-техническая база проведения исследований. Для сравнения, в мегапроекте на современной оснащенной всеми необходимыми приборами и оборудованием, с экспериментальными площадками, с возможностью круглосуточного наблюдения за опытом в течение всего эксперимента, регулярными семинарами всех участников проекта, зарубежными стажировками на лучших площадках, с прямым внедрением результатов исследовательской работы на опытных хозяйствах, обучением студентов и магистрантов на площадке проекта и сокращенным на один год общего времени на защиту диссертации. Кроме всех перечисленных преимуществ финансовые расходы сокращаются на 50%, что является весомым вкладом в развитие животноводческой отрасли и ветеринарной сферы.

Научный инкубатор является площадкой для партнерских взаимоотношений, где в тесном сотрудничестве осуществляется не только подготовка кадров высокой квалификации, еще и создается инновационные интеллектуальные продукты. Это дает возможность интеграции концепции совместного создания ценности, бизнес-инкубатора и научной инкубации. Инкубатор готовит зрелых научно-подготовленных специалистов, которые в производственном бизнесе могут выступать консультантами и экспертами и участвовать в тренингах. Также, созданная инновационная интеллектуальная продукция может быть основой для концепции совместного создания ценности.

Государство активно поддерживает предпринимателей и развития инфраструктуры в бизнесе, выступая в роли регулировщика создает условия для развития научного бизнес-инкубатора, тем самым запускается циклический процесс взаимодействия всех участников, который инициирует синергетический эффект.

Страны Европы отличаются значительным уровнем развития и университеты проявляют высокую активность в реализации своих инновационных инициатив, а органы государственной власти обеспечивают финансирование и всяческую поддержку. Использование такого подхода в Республике Узбекистан является необходимым путем интенсивного развития и достижения высоких результатов. Кроме серьезного улучшения экономических показателей имеет место социальная значимость проекта. Запуск такой мегапроект основной целью, ставится общее развитие среды, когда осуществляется повышение активности в предпринимательской деятельности среди студентов и жителей региона, увеличение заинтересованности в творчестве и практическом внедрение результатов работ и др., понимая ценности научного проекта и полезности для современного развития страны.

Модель тройной спирали в Европейских странах начинает успешно реализовываться, государство, предприниматели и университетская среда тесно взаимодействуют между собой и с обществом (потребители, которые представляют четвертую спираль). Берут на себя ранее не свойственные функции, решение которых определяют рыночные отношения. Участие четвертой спирали в создании продукта является творческим процессом, и это помогает довести качество продукции до требований самых высоких стандартов. Вторая спираль в лице университета качественно меняется с появлением научного инкубатора, вместе с бизнес-инкубатором и концепцией совместного создания ценностей приближает внедрение инновационных интеллектуальных продуктов обеспечивая безопасности и стабильности их на рынке.

Очевидным является использование тройной спирали и зарождение научных инкубаторов с бизнес-инкубаторами в современном развитии Республики Узбекистан. На наш взгляд, инициатором создания инкубаторов в условиях нового Узбекистана должны выступить именно университеты, а государство может всячески поддержать. Бизнес-структуры четко и быстро реагируют на происходящие изменения, и могут немедленно приступить к выполнению своей части работы.

В Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий процесс начался с анализа внутренних факторов университетского климата. Первым делом проанализировали потребности и желания выпускников бакалавриата, магистратуры и молодых специалистов на готовность приступить к выполнению сложных задач научно-исследовательского характера. Изучили имеющиеся возможности университета, крупных животноводческих хозяйств, кластеров и государственные учреждения по развитию ветеринарной сферы и животноводческой отрасли, а также их желание по сотрудничеству ради достижения собственных целей и выполнения общих задач, с учетом государственных интересов.

Выявили, в структуре университета имеются подразделения и отделы, которые могли поддержать и способствовать началу процесса создания научного инкубатора:

- лабораторный центр-виварий, который вмещает 14 видов сельскохозяйственных животных. На этой базе разместили контрольную группу животных, а экспериментальные животные находились в хозяйствах, на которых мы параллельно запустили эксперимент;

- технопарк, где созданы условия для проведения всех видов лабораторных анализов согласно составленным регламентам;

- факультетские студенческие научные общества, которые явились платформой для сотрудничества всех сторон;

- межкафедральный лабораторный центр (центр колективного пользования), где проводятся исследования и анализы по соответствующим видам деятельности.

Вышеперечисленные структуры университета по различным причинам свои функции реализуют частично, и по этой причине реализация плодотворного сотрудничества ограничена. Низкая эффективность структурных подразделений обусловлена различными факторами, и присутствии элементов научного инкубатора развита слабо.

В ожидании активности внутренней среды были проведены анкетные опросы студентов и молодых специалистов, которые подтвердили готовность принять участие в создании научного инкубатора.

В итоге, студенты и молодые специалисты проявили интерес в создании электронной платформы научного инкубатора, совместно с предпринимателями определили хозяйства-доноры, в которых можно поставить экспериментальную часть проектных работ и обосновали свое желание участвовать в мегапроекте. Выяснилось, что студенты и молодые специалисты заинтересованы в предпринимательской деятельности, при этом пол, возраст и доходы не имели существенной роли. Многие из них готовы в процессе выполнения проектных исследований переходит на работу в качестве ведущих специалистов и консультантов в крупные хозяйства и кластеры. Некоторые соискатели изъявили желание открывать собственное дело в период выполнения исследовательских работ и только небольшое количество планируют продолжения своей деятельности в стенах университета в качестве преподавателей-исследователей.

Факторы внутренней, университетской среды полностью подтвердили, что создание научного инкубатора, как платформа подготовки высококвалифицированных кадров для развития животноводческой отрасли и ветеринарной сферы является обоснованным и соответствует современным требованиям.

Платформа проекта научный инкубатор может, наравне с платформой бизнес-инкубатора и концепцией совместного создания ценностей, обеспечивать интенсивное развитие взаимодействия основных субъектов экономических отношений государство, университет (наука), производство и потребители. Появление в этой цепочке потребителей существенно усиливает позиции тройной спирали и замыкает круговорот продукта от создания до употребления.

Литература:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2022 йил 31 марта, ПК-187-сон. «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида».
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2022 йил 19 январь, 33-сон. «Ветеринария хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва уларга малака тоифалари бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида».
3. Аганбегян, А.Г. Управление социалистическими предприятиями: Вопросы теории и практики / А.Г. Аганбегян. - М.: Экономика, 1979. – 448 с.
4. Варнадь Л. Подготовка и повышение квалификации ветеринарных врачей в Венгрии // Ветеринария, 1972. - №3. – с. 112–114.
5. Гибсон Д., Батлер Д. Исследовательские университеты в структуре региональной инновационной системы: опыт Остина, штат Техас // Форсайт. 2013 Т. 7. № 2.
6. Официальный сайт рейтинга UBI Global. URL: <http://ubi-global.com/> (дата обращения: 02.06.2014).
7. Юнусов Х.Б. Зарубежный опыт развития животноводства и обеспечения ветеринарной службы кадрами. // VETERINARIYA MEDITSINASI. 2023. №11, с. 8–9.
8. Юнусов Х.Б. Обеспечение ветеринарной сферы и животноводческой отрасли Республики Узбекистан кадрами. // CHORVACHILIK VA NASLCHILIK ISHI. 2023. №6, с. 6–7.
9. Etzkowitz H., Leydesdorff L. The dynamics of innovation: from National Systems and “Mode 2” to a Triple Helix of university–industry–government relations // Research Policy. 2000. № 29. P.109-123.

CHORVACHILIKDAN OLINGAN OZIQ – OVQAT MAHSULOTLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

Аннотация

В данной статье рассматривается создание усовершенствованной системы производства и обеспечения безопасности продуктов животноводства и птицеводства. В ней рассмотрены состояние и перспективы животноводства и птицеводства республики. Даны сведения по факторам влияющих на качество продуктов животноводства и птицеводства, требования международных стандартов к производству продукции и его качеству. Подробно описаны условия виды и планы разработки внедрения планов, шаги по обеспечению производству высококачественных товаров и сырья животного происхождения. Даны пути по обеспечению экологической и пищевой безопасности продуктов животноводства и птицеводства. А также указаны необходимость подготовки и переподготовки кадров по обеспечению здоровья животных и птиц, высокого качества производимой животноводческой и птицеводческой продукции и их доставки до потребителей.

Annotation

This article discusses the creation of an improved system for producing and ensuring the safety of livestock and poultry products. It examines the state and prospects of livestock and poultry farming in the republic. Information is given on the factors influencing the quality of livestock and poultry products, the requirements of international standards for product production and its quality. The conditions, types and plans for the development of implementation plans, steps to ensure the production of high-quality goods and raw materials of animal origin are described in detail. Ways are given to ensure the environmental and food safety of livestock and poultry products. The need for training and retraining of personnel to ensure the health of animals and birds, high appropriate quality of livestock and poultry products and their delivery to consumers is also indicated.

Ключевые слова: пищевая безопасность, продукты животного происхождения, антибиотики, микрофлора, инфекция, токсины, качество, обучение, стандарты, животноводство, птицеводство

Kirish. Bugungi kunda respublikamizda aholi sonining muntazam ravishda ko'payishi ular iste'mol qiladigan oziq-ovqatlarning ham miqdori va sifatini oshirishni va doimiy nazoratini olib borishni talab etadi. Prognozlarga ko'ra, 2030-yillarga borib, O'zbekiston aholisi soni 40 mln, 2040-yillarga borib, 50 mln kishiga yetishi kutilmoqda.

Ma'lumki, jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tavsiyalariga ko'ra, kattalar uchun kunlik minimal protein miqdori 1 kilogramm tana vazniga 0,8 grammni tashkil qiladi. Masalan, vazni 70 gramm bo'lgan odam kuniga kamida 56 gramm toza protein iste'mol qilishi kerak. Inson hayoti uchun zarur 100 g oqsilning 30-40% qismi chorvachilik mahsulotlari hissasiga to'g'ri keladi. Inson uchun eng ko'p oqsillar mahsulotning 100 g da - turli hayvon go'sht mahsulotlarida 29-32 g, baliq mahsulotlarida 20-25 gr., dengiz mahsulotlarida 14-18 g, tuxumda 14 g, sut va sut mahsulotlarida 3,5-9,5 g, cheddar pishlogida 25-28 g, bo'ladi. O'simlik mahsulotlarida ham oqsillar mavjud, ammo ular juda oz miqdorda (hayvonot mahsulotlari bilan «raqobat qila oladigan» yagona mahsulot bodom bo'lib, uning 100 grammida 21 gramm protein mavjuddir [1-3].

Dunyo bo'yicha hayvonlar oqsiliga bo'lgan ehtiyoj 2050-yilga borib, ikki baravar ortishi kutilmoqda, aholining farovonligi, boylik darajasining yaxshilanishi, go'sht iste'molina oshishiga olib keladi. Qishloq xo'jaligi maydonlarining qisqarishi fonida bu ehtiyoj asosan chorvachilikni samarali rivojlantirish va intensivlashtirish hisobiga qondirilishi lozim.

Chorvachilik va parrandachilikni intensivlashtirish natijasida ularidan olinadigan mahsulotlarning yuqori sifatliligi va biologik xavfsizligini ta'minlash mutaxassislar oldida turgan kunning o'ta dolzarb muammosi bo'lib qoladi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahili: 2024-yilning 1-yanvariga kelib, O'zbekistonda qoramollar soni 14 mln, qo'y va echkilar 24 mln, parrandalar soni 100 mln boshdan oshdi.

Chorvachilik mahsulotlari ishlab chiqarish turlari bo'yicha 3-5% oshishi kutilmoqda.

Fermer xo'jaliklari kengayib, hayvonlarni yaylovlar va chorvachilik fermalarida saqlash zichligi ortib bormoqda. Bunday muhitda ham kimyoviy, ham mikrobi ifloslantiruvchi moddalar oziq-ovqat xavfsizligi uchun xavf tug'dirishi mumkin. Bundan tashqari, fermer xo'jaligidan iste'molchiga bo'lgan zanjirda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash uchun hayvonlar, odamlar sog'lig'i va atrof-muhit ekologiyasiga yagona tizim sifatida yondashuv kerak bo'ladi. Chorvachilikning intensiv ishlab chiqarish chora-tadbirlari oziq-ovqat xavfsizligi masalalari, kambag'allikni bartaraf etish, atrof-muhit ekologiyasi va infratuzilmalarini rivojlantirish bo'yicha davlat siyosati bilan bir tizimga aylanishi kerak. Agar ushbu tizimlar to'g'ri yo'lga qo'yilsa, chorvachilikni intensivlashtirishning salbiy oqibatlari, xususan kasalliklar hayvonlardan odamlarga yuqishining oldi olinadi. Qishloq xo'jaligi hayvonlari boqiladigan hududlarda to'plangan azot, fosfor, og'ir metallar hamda u yerda mavjud bo'lgan mikroblar yer usti va yer osti suvlarini ifloslantiruvchi manbag'a aylanib, tuproq va suv sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Chorvachilikni nazoratsiz intensivlashtirish bioxilma-xillikka jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Bu ko'payib borayotgan chorva mollarini zarur ozuqa bilan ta'minlash maqsadida yaylovlardan haddan tashqari foydalanish, yaylovlarni haydaladigan yerlarga aylantirish kabilarda yaqqol ko'zga tashlamoqda. Oziq-ovqat xavfsizligi siyosati aniq tizimli nuqtai nazaridan ishlab chiqilishi kerak, chunki hatto ishlab chiqarish jarayonining dastlabki bosqichlarida xavfsiz texnologiyalardan foydalanish ham ishlab chiqarish zanjiring quyi qismida beixtiyor salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Shunday qilib, zararkunanda (gelmint)larga qarshi kurashda ishlatiladigan veterinariya dori vositalari chorva mollarining sog'lig'ini yaxshilash bilan bir qatorda, ularidan noto'g'ri foydalanish go'sht, sut va atrof-muhitning ifloslan-

ishiga olib kelishi mumkin [2,5,9,10].

Chorvachilikni intensifikatsiyalash bilan bog'liq oziq-ovqat xavfsizligiga tahdidlarning aksariyati, hayvonlarning yaylovlar va chorvachilik fermalarida zich saqlanishining os-hishi bilan bog'liq. Bu kasalliklar tarqalishini osonlashtirib, patogen (kasallik qo'zg'atuvchilar)larning bir hayvon-dan boshqasiga o'tishini tezlashtiradi. Chorva va parranda go'shtini intensiv ishlab chiqarishda xavfli patogenlarning oldini olish uchun tegishli gigiyena va bioxavfsizlik choralarini ko'rish maqsadga muvofig bo'ladi[2,5].

Biotsidal preparatlardan foydalanish va gigiyenik choralar patogenlarning tarqalishini kamaytirishi bilan bir qatorda go'sht, sut yoki atrof-muhitni iflosantirmasligiga yo'l qo'ymaslik kerak. Bundan tashqari, biotsidlar antibiotiklar-ga chidamli bakteriyalarga selektiv (tanlab) ta'sir ko'rsatishi mumkin. Yirik chorvachilik korxonalarida, masalan, parrandalarning parranda grippi bilan kasallanishining oldini olu-vchi bioxavfsizlik tizimi chorasiz qolishi mumkin. Bunday hollarda veterinariya mutaxassislariiga kasallikning tarqa-lishini nazorat qilish va ifoslangan mahsulotlarning oziq-ovqat tizimiga kirishiga yo'l qo'ymaslik uchun vakolatlar kerak bo'ladi [4,7].

Emlash orqali antibiotiklardan foydalanishni cheklash va shunga mos ravishda antimikrob qarshilikni oshirishi mumkin. Boshqa tomondan, kasal yoki immuniteti zaif hay-vonlarni emlash samarasizdir. To'liq balanslashgan ozuqa bilan boqish va hayvonlarda stressning oldini olish immunitet tizimini mustahkamlashga va kasallikning tarqalishiga qarshi kurashishga yordam beradi. Hayvonlar semirishning dastlabki bosqichida kasallanish ehtimoli ko'proq bo'lganligi sababli ularni tashishda stressni minimallashtirish va belgilangan joyga yetib kelganidan keyin ularning ehtiyojlariga qarab oziqlantirish va sug'orish zarur.

Hayvonlarni yaylov va molxonalar hududida zichroq saqlaganda, katta miqdorda chiqindi va patogenlar to'planishi mumkin. Chiqindilarga to'g'ri ishlov berilmasa, go'ng, suv va tuproqni iflosantiruvchi manbaga aylanishi mumkin. Sug'orish tizimlarida hayvonlarning chiqindilari bilan ifoslangan suvdan foydalanish oziq-ovqatdan yuqadigan infeksiyalarning keng tarqalishiga olib keladi.

Yem-xashakdan to'g'ri foydalanish hayvonlarning ozu-qaviy ehtiyojlarini qondirishini ta'minlaydi va atrof-muhitning kimyoviy moddalar va patogenlar tomonidan iflo-slanishini cheklashga yordam beradi. Balanslangan ozuqa immunitet tizimini mustahkamlash va chorva mollari mahsulorligini oshirishga yordam beradi. Ba'zi ozuqalar tarkibida bioaktiv moddalar (efir moylari, taninlar va boshqalar) mavjud bo'lib, ular ozuqadan foydalanish samaradorligini oshiradi va hayvonlarda ham, go'ngda ham patogenlar sonini kamaytiradi [8,9].

Oziq-ovqat xavfsizligi tizimlarining uyg'unligi va mo-slashuvchanligi nafaqat xo'jalik ichidagi jarayonlarga, balki ishlab chiqarish zanjirining keyingi bo'g'imlariga ham ta'sir qiladi. Chorvachilik mahsulotlarini qayta ishlash korxonalariga (asosan Toshkent shahri va viloyati) chorva mollari respublikamizning barcha hududlaridan keltirilib, bir joyda qayta ishlanadi, bu go'shtning patogenlar bilan ifloslanish xavfini oshiradi. Hayvonlarni so'yish va go'shtni qayta ish-lash natijasida kelib chiqadigan oziq-ovqat xavfsizligi xav-flarini baholash va kamaytirish uchun xavf tahlilining muhim nazorat nuqtalari (HACCP) tahlilini o'tkazish juda muhimdir [9,10].

Iste'molchilarni oziq-ovqat xavfsizligi masalalari bo'yicha o'qtish juda muhim: 30-40% hollarda oziq-ovqa-dan yuqadigan infeksiyalarning manbalari maishiy tabiat-ga ega bo'lib, asosan ro'zg'orda ro'y beradi. Agar aholi o'z uvida oziq-ovqat xavfsizligiga ahamiyat bermasa, kasallik zanjirini uzish uchun har qanday choralarни ko'rish befoyda bo'lib qolaveradi. Go'sht va sut mahsulotlarining sog'liq uchun foydalari (mikronutrientlar va oqsillarning boy manbai va boshqalar) va ular bilan bog'liq xavflar (masalan, allergen-lar) haqida bilish juda muhimdir.

Iste'molchilar chorvachilik mahsulotlarining umumiyl atrof-muhitga ta'siri qaysi ishlab chiqarish tizimlaridan kelib chiqishini aniq tushunishlari kerak. Oziq-ovqat xavfsizligi masalalari bo'yicha ma'lumotlar ilmiy dalillarga asoslangan bo'lishi va shunchaki savdoni kuchaytirish uchun nashr qilin-masligi muhimdir. Ijtimoiy tarmoqlar axborotni tarqatish va iste'molchilarni oziq-ovqat xavfsizligi masalalari bo'yicha o'rgatish va turli ishlab chiqarish tizimlarining atrof-muhitga ta'siridan xabardorligini ta'minlash ogohlantirishning samarali vositasi bo'lishi mumkin. Chorvachilikni rivojlanтирish siyosati iqtisodiy rivojlanish siyosati bilan uyg'un bo'lishi kerak. Kichik fermer xo'jaliklariga xos bo'lgan mehnatni ko'p talab qiladigan chorvachilik tizimlari ko'pincha yetarli darajada rentabellikka ega emas va ular yer va mablag' tanqisligidan aziyat chekadilar. Sarmoyani ko'p talab qiladigan tizimlarda mexanizatsiyalash mehnat xarajatlarini kamaytira-di va yuqori daromad keltiradi. Chorvachilik mahsulotlari ni ishlab chiqarish bo'yicha tadqiqotlar fermer xo'jaligidan tayyor oziq-ovqatgacha bo'lgan barcha qiymat zanjirini hisobga olgan holda yondashuvga asoslanishi kerak. Antibiotiklar o'rnini bosadigan mahsulotlar – vaksinalar, prebiotiklar, bakteriofaglarni ishlab chiqish kerak.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Ushbu tadqiqotlarda statistik va ilmiy manbalardan foydalanilgan holda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash yo'llari tahlil qilindi. Tadqiqotlarda manbalarni qayta ishlash usullaridan foydalanildi.

Tahvil va natijalar, munozaralar. Chorvachilikda ishlab chiqarilayotgan go'sht, sut va uni qayta ishlash mahsulotlarining xavfsizligini ta'minlash iste'molchilar salomatligini muhofaza qilish va mahsulot sifatini saqlashning muhim jihatni hisoblanadi. Ushbu sohada oziq-ovqat xavfsi-zligini ta'minlashning asosiy usullari:

1. Zamonaviy chorvachilik amaliyotlari (GAP):

Chorvachilikda qo'llanilayotgan veterinariya preparatlari, ozuqa ekinlari yetishtirish uchun qo'llanilayotgan o'g'itlar, pestitsidlar va boshqa kimyoviy moddalarini saqlash va ulardan foydalanish bo'yicha standartlar va tavsiyalarga riyoq qilish.

2. Tuproqni to'g'ri tanlash va ozuqa ekinlarini yetishtirish, saqlash hamda foydalanishda ozuqa sifatini boshqarish usullarini qo'llash.

Ozuqa yetishtirish, saqlash va qo'llashing barcha ja-roynlarida ozuqalar sifatini nazorat qilish:

3. Oziq-ovqatlar tarkibida zararli moddalar, mikroblar va aralashmalar mayjudligini aniqlash uchun muntazam ravishda tekshirish.

Chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari yetishtirishda faqat O'zbekiston respublikasida sertifikatlangan ozuqa qo'shimchalaridan foydalanish.

4. Emlash va hayvonlar salomatligi:

Barcha turdag'i fermalarda, aholi xonodonlarida mavjud chorva mollari va parrandalarning yuqumli kasalliklari tarqa-

lishining oldini olish uchun o‘z vaqtida va yo‘riqnomalarga binoan emlash ishlarini rejalashtirish va o‘tkazish.

Muntazam ravishda veterinariya dispanserizatsiyalash tadbilarini, chorva mollari va parrandalarning qon, siyidik va najaslari tekshiruvlarini amalga oshirish va o‘z vaqtida kasalalarini davalosh.

5. Barcha fermada gigiyena standartlari:

Barcha turdag'i fermalar va aholi xonadonlarida ishlayotgan xodimlar shaxsiy gigiena qoidalariga rioya qilishi. Foydalanilgan uskunalar va binolarni muntazam tozalash va dezinfeksiya qilish. Chorva mollari va parrandalarga berilayotgan kunlik suv sifatini nazorat qilish:

6. Hayvonlarni sug‘orish va oziq-ovqat mahsulotlari ni qayta ishlash uchun foydalaniladigan suv sifatini doimiy nazorat qilish. Suvni ifloslantiruvchi manbalarni yo‘q qilish.

7. Kuzatuv va tranchegaraviy nazorat tizimlari:

Chorvachilik va parrandachilik mahsulotlarni ishlab chiqarish nuqtasidan iste'molchigacha yetkazib borishni kuzatib borish tizimlarini yo‘lga qo‘yish va foydalanish.

8. Chorvachilik mahsulotlarining xalqaro standartlar va qoidalarga muvofiqligi. O‘zbekiston Respublikasi hududida ishlab chiqarilayotgan barcha chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari amaldagi O‘zbekiston Respublikasi va xalqaro standartlar hamda qoidalarga muvofiq yetishtirilishi va ular talablariga javob berishi lozim.

10. Trening-o‘qitishlar:

O‘zbekiston respublikasining barcha chorvachilik va parrandachilik xodimlari uchun chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari yetishtirish, qadoqlash va jo‘natish hamda sotish jarayonlari xavfsizligi va gigiyena qoidalariga rioya qilish bo‘yicha muntazam o‘qishlar treninglar o‘tkazish zarur.

11. Sifat menejmenti tizimlari (QMS):

Hozirgi kunda bozor iqtisodi munosabatlarda barcha chorvachilik va parrandachilik xo‘jaliklari ichki va tashqi bozorda o‘zining munosib o‘rnini egallashi uchun HACCP (Kritik nazorat nuqtalarining tahlili) va ISO 22000, “Halol mahsulotlar” kabi sifat menejmenti tizimlarini joriy etishi lozim. Bu tizimlarsiz har qanday korxona baribir inqirozga yuz tutadi. O‘zbekiston respublikasida yetishtirilgan barcha chorvachilik va parrandachilik mahsulotlarini mustaqil ekspertlar tomonidan muntazam tekshiruvlar o‘tkazilishi va ularning ichki va tashqi talablarga mosligi tasdiqlanib borishi lozim.

12. Chorvachilik va parrandachilik mahsulotlarida qoldiq moddalar monitoringi:

Ayni davrda iste’molchilar chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari – go‘sht va sut, boshqa mahsulotlarda antibiotiklar va pestitsidlari kabi qoldiqlar bo‘lmasligini tab qilishadi. Su sababli ishlab chiqaruvchi o‘zining chorvachilik va parrandachilik mahsulotlarida qoldiq moddalar bo‘lmasligini diqqat bilan kuzatib borishi lozim.

13. Chorvachilik va parrandachilikda inqirozning oldini olish:

Inqirozni samarali boshqarish va favqulodda vaziyatlarga tezkor javob berish rejalarini ishlab chiqish.

Chorvachilik mahsulotlari xavfsizligini ta‘minlash ishlab chiqarishning barcha jabhalariga tizimli yondashishni talab qiluvchi murakkab jarayondir. Oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashda ozuqa ekinlarini yetishtirishdan tortib to mah-

sulotlarni qadoqlashgacha bo‘lgan ishlab chiqarishning har bir bosqichi muhim o‘rin tutadi.

Xulosalar:

1. Oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashida ishlab chiqarishning barcha jabhalariga tizimli yondashish va bunda yuqorida qayd etilgan 13 ta usullarning zarurlarini qo‘llash lozim;

2. Chorvachilik va parrandachilik mahsulotlari ishlab chiqarishni jadallashtirish va kelajakda sifatli go‘sht va sutga bo‘lgan talabni qondirish zarurati bilan ular genomimi tahrirlash kabi texnologiyalarni joriy qilish oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashda muhim qadamdir;

3. Insoniyatning kelgusida oshib borayotgan sifatli go‘sht va sut mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirish uchun chorvachilik va parrandachilikni barqaror intensivlashtirish muhim ahamiyatga ega;

4. Oziq-ovqat xavfsizligi bo‘yicha harakatlar dinamik bo‘lishi, iqlim o‘zgarishi va bozor omillari ta’sirini kamaytirish uchun chorvachilik va parrandachilik ishlab chiqarish amaliyotchilarini turli o‘zgarishlariga o‘z vaqtida javob berishi uchun doimiy ravishda oliyoholar, maxsus o‘quv markazlarida malakalarini oshirishni doimo tashkil qilish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Бурова Т.Е. Биологическая безопасность продовольственного сырья и продуктов питания. Лабораторный практикум: Учеб-метод. пособие / Под ред. А.Л. Ишевского. СПб.: НИУ ИТМО; ИХиБТ, 2014.

2. Vasiyev M.G., Dadayev Q.O., Isabayev I.B., Sapayeva Z.Sh., G‘ulomova Z.J. Oziq-ovqat texnologiyasi asoslari. Toshkent, “Voris-nashriyoti” 2012.

3. Go‘sht-sut mahsulotlari ishlab chiqaruvchi, shu jumladan zahrlangan xomashyo bilan ishlovchi xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish QOIDALARI. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2014-yil 24-yanvarda ro‘yxatdan, o‘tkazilgan ro‘yxat raqami 2557.

4. Манжесов И. В., Е.Е.Курчаева, М.Г.Сысоева, И.А.Попов, Д.С.Щедрин, Т.Н.Тертычна, И.В.Максимов. Технология хранения, переработки и стандартизация животноводческой продукции: Учебник/- СПб.: Троицкий мост, 2012. – 536 с.

5. Normaxmatov R., Pardayev G.Y., Islomov Sh.I. Oziq-ovqat mahsulotlari ekspertizasi obyektlari. Darslik.-T ”Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi”, 2021. 63 bet

6. Fayziyev J.S., Ataxanov Sh.N., Kenjaev Yu.Ch., Fayziev Sh.D., Qanoatov X.M., Mallabaev O.T. Sut va sut mahsulotlarining texnik-kimyoiy nazorati. Darslik.Toshkent, “Turon-iqbol”, 2020.-248 b.

7. Fatxullayev A., Ismoilov T.A., Raximjonov M.A., Muxitdinova M.O’. Go‘sht -sut biokimyosi. Cho‘lon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi Toshkent - 2014

8. Yo‘ldoshev N.E., Ashurov S.A., Eshmurodov S.H., Aminov O.M., I.A.Alimov, M.A.Ro‘zimuratov – Sertifikatlashtirish – veterinariya dori vositalari va ozuqabop qo‘shimchalari sifatiga kafolatdir. Veterinariya meditsinasi j.2023 y.4-son, 23-32 v.

9. Yuldashev D. , Ozuqalar va ozuqaviy qo‘shimchalarga bo‘lgan xalqaro standartlar tabablari va O‘zbekiston chorvachilik mahsulotlarining eksport qilishda vujudga keladigan muammolar to‘g‘risida “Chorvachilik va nislchilik ishi, 2021 y, №1 (18), 7-8

10. Yuldashev D. Q. , O‘zbekistonda barcha chorvachilik va Q., baliqchilik mutaxassislari va amaliyotchi tadbirkorlari o‘z mahsulotlarining sifati va xavfsizligini kafolatlashlari kerak. Veterinariya meditsinasi j.2022 y.4-son, 6-7 v.

11. Юсупов Н. – Органическое производство – будущее сельского хозяйства. Veterinariya meditsinasi.2022 y.5-son, 26-30 v.

УДК: 619.636.095

Йўлдошев Н. Э., в.ф.д., профессор,
Курбаниязов. Б. Д., Матниязова Ж. Т., мустақил изланувчилар,
 Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик
 ва биотехнологиялар университети Нукус филиали,
Алланиязов Ў.Ў., асистент, Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва
 агротехнологиялар институти

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФАСЦИОЛЁЗ КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР

Аннотация

Мақолада чорвачиликда фасциолёз касаллигидан кўрила-
 диган иқтисодий заарлар, касаллик бўйича олиб борилган
 тадқиқотлар, хусусан республикамиз ҳудудида фасциолёз ка-
 саллигини ўрганиши ва олдини олиш бўйича ўтказилган кенг
 қамровли илмий ва амалий ишлар, шунингдек бугунги кун-
 да Қорақалпогистон республикасининг айрим туманларида
 ўтказилган хусусий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлар
 баён этилган.

Калим сўзлар: паразит, касаллик, гельминтоз, трематодалар, фасциолёз, туман, тарқалиши, қорамол, аҳоли, фермер.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, чорва
 молларининг гельминтоз касалликлари чорва бош
 сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларига
 сезиларли таъсир этади ва айрим касалликлардан
 чорва молларининг ёппасига чиқим бўлиши ҳамда
 маҳсулдорликнинг пасайиши хисобига жуда катта
 иқтисодий заар келади.

Масалан, дунёда қорамолларнинг фасциолёз ка-
 саллиги билан касалланиши натижасида гўшт ва сут
 маҳсулотлари 10-30 фоизгача кам олиниши, Россия
 федерациясида бир йил давомида 1500-2500 тон-
 нагача гўшт, 2-4 миллион тонна сут кам олиниши
 аниқланган.

Ўзбекистоннинг турли биогеоценозларида олиб
 борилган тадқиқотлар таҳлилига кўра, умурт-
 қалиларда 186 тур трематодалар паразитлик қилиши
 кайд этилган. Жумладан, балиқлар синфида 30 тур,
 амфибиялар синфида 14 тур, рептилиялар синфида
 2 тур, күшлар синфида 113 тур ва сут эмизувчилар
 синфида 27 турдаги трематодлар аниқланган.

Ўзбекистон ҳудудида трематодалар синфи-
 га мансуб, *F.hepatica* ва *F.gigantica* трематодалари
 кенг тарқалган. Улар орасида *F.hepatica* космопо-
 лит тур трематодаси бўлиб, *F.gigantica* эса иклими
 иссиқ мамлакатлarda тарқалган. Жумладан, ушбу
 трематода Марказий Осиё давлатлари, Арманистон,
 Грузия, Озарбайжон давлатлари ҳудудида, Африка
 китъасида, араб давлатларида, Вьетнамда, Гавайи
 оролларида учрайди.

Summary

The article describes the economic damage caused by fascioliasis of livestock, studies of this disease, in particular, extensive scientific and practical work on the study and prevention of fascioliasis on the territory of our republic, as well as data on private research conducted today in some areas of the Republic of Karakalpakstan.

Ўзбекистон шароитида фасциолёз касаллигининг қишлоқ хўжалиги ҳайвонларидағи эпизоотологияси, қўзғатувчилари, қўзғатувчиларнинг биологияси, по-тогенези, клиник белгилари, диагностикаси, даво-лаш ва олдини олиш чоралари бўйича турли йил-ларда А.П.Федченко, К. И. Скрябин, В.С.Ершов, Н.В.Баданин, А.Н.Назаров, И.Х.Иргашев, Ш.А.Ази-мов, Ж.А.Азимов, Б.С.Салимов, А.О.Орипов, Э.Б.Шакарбоев, Н.Э.Йўлдошев, А.А.Нуруллаев, Ш.Д.Авезимбетов, З.А.Азимов ва бошқалар томо-нидан республикамизнинг турли иқлим географик ҳудудларида ҳар томонлама чуқур ўрганилган ва ил-мий ва амалий натижаларга эришилган.

Олиб борилган илмий ва амалий тадбирларга қарамасдан, бугунги кунда ҳам фасциолёз касалли-
 гининг чорва моллари орасида кенг тарқалишга эга
 эканлигини хисобга олиб, Қорақалпогистон респуб-
 ликасининг турли туманлари аҳоли қарамоғидаги
 қорамолларда фасциолёз касаллигини тарқалиш да-
 ражасини ўргандик.

Текшириш жойи ва усули

Бунинг учун Қорақалпогистон Республикаси-
 нинг Чимбой, Қонликўл, Тахиотош (шахар), Беру-
 ний туманларидағи аҳоли ва фермер хўжаликлари
 қарамоғидаги фермер хўжаликларида парвариша-
 наётган қорамоллар тезаги гельминтоовоскопия-
 нинг қайта ювиш усули билан текширилди.

Текширишлар жорий йил Қорақалпогистон
 республикаси ветеринария лабораториясида

Қорақалпогистон Республикасининг айрим туманларида парваришиланаётган аҳоли ва фермер хўжаликлари қорамолларида аниқланган фасциоллөзни учраши даражаси

№	Туманлар	Текширилган қорамоллар сони		фасциоллөз аниқланди		Фоиз (%)	
		аҳоли	ф/х	аҳоли	ф/х	аҳоли	ф/х
1	Чимбой	82	49	5	3	6,0	6,1
2	Қонликўл	40	20	6	3	15,0	15,0
3	Тахиатош	29	-	1	-	3,4	-
4	Беруний	49	26	5	6	10,2	23,0
Жами:		200	95	17	12	8,5	12,6

ҳамда Ветеринария доривор воситалари, озуқавий кўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича илмий марказида янгидан ташкил этилган гельминтолологик тадқиқотлар ўтказиш лабораториясида олиб борилди.

Текшириш натижалари

Текширишлар (жадвалга қаралсин) Чимбой туманидан 82 бош, Қонликўл туманидан 40 бош, Тахиатош шаҳридан 29 бош ва Беруний туманидан 49 бош жами 200 бош аҳоли қарамоғидаги қорамолларда олиб борилди. Аҳоли қарамоғида жами текширилган 200 бош қорамолдан 17 бошида ёки 8,5 фоизида фасциоллөз билан заарланганлиги аниқланди.

Жумладан, Чимбой туманида текширилган 82 бош аҳоли қорамолларининг 6,0 фоизи, Қонликўл туманида 40 бош қарамолларнинг 15,0 фоизи, Тахиатош шаҳрида 29 бош қорамолларнинг 3,4 фоизи ва Беруний туманида 49 бош қорамолларнинг 10,2 фоизи фасциоллөз билан касалланганлиги қайд этилди. Аҳоли қорамоллари орасида Қонликўл (15%) ва Беруний (10,2%) туманларида фасциоллөзниң бирмунча юқори тарқалганлигини кўриш мумкин.

Фермер хўжаликларида парваришиланаётган қорамолларда фасциоллөз касаллигининг тарқалиши ўрганилганда, текширилган 3 та тумандаги 95 бош қорамолларнинг 12,6 фоизи фасциоллөз билан касалланган.

Жумладан, Чимбой туманида 49 бош қорамолнинг 6,1 фоизи, Қонликўл туманида 20 бошдан 15 фоизи, Беруний туманида 263 тадан 23 фоизи заарланганлиги қайд этилди. Текширилган фермер хўжаликлари қорамолларида Қонликўл (15%) ва айникса Беруний (23%) туманида қорамолларнинг фасциоллөз билан анча юқори даражада заарланганлиги аниқланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли қарамоғидан текширилган қорамоллар сони фермер хўжаликлардан текширилган қорамоллар сонига қараганда 2,1 марта кўп бўлишига қарамасдан аҳоли қорамолларида фасциоллөз билан заарланниш даражаси бирмунча камроқ (8,5%) бўлса, фермер хўжаликлида эса бирмунча (12,6%) кўпроқ тарқалган.

Хулоса шуки, бугунги кунда ҳам Қорақалпогистон Республикасида аҳоли ва фермер хўжаликлари қорамоллари орасида фасциоллөз бирмунча кенг тарқалган.

Текширишларимизда касаллик Қонликўл ва айникса, Беруний туманидаги фермер ва аҳоли қарамоғидаги қорамолларда нисбатан кўп учради.

Бу ҳолат албатта ушбу туманлarda фасциолаларнинг оралиқ хўжайинлари хисобланган молюскаларнинг ривожланиши учун етарли шарт-шароитлар борлигидан, шунингдек касалликнинг олдини олиш каби комплекс чора-тадбирларнинг етарли даражада амалга оширилмаётганлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Атаев А. М. “Экономическая эффективность ветеринарных мероприятий при фасциолёзе» Ж. ветеринария. 1996, №7 С.26.
- Н.Э. Йўлдошев. “Фасциоллөз ва бошқа трematodозларга қарши қураш чора-тадбирлар ишлаб чиқишининг илмий асосларидан яна бири”. Ж. Ветеринария. – 2012.№3 15-166.
- А. О. Орипов., А.Ф. Фофуров., Н. Э. Йўлдошев., Ш. А. Жабборов., Р. Б. Давлатов., М. Э. Гоипова. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг паразитология ва инвазион касалликлари. Дарслик. Тошкент – 2023. 43, 546.

UDK: 619:636.2:576.89

A.N.Bo‘ronov, tayanch doktorant,

Sh.X.Qurbanov, dotsent,

Samarqand davlat veterinariya meditsinası, chorvachilik
va biotexnologiyalar universiteti

QORAMOL GIPODERMATOZI QO‘ZG‘ATUVCHILARINING BIOLOGIK VA EPIZOOTOLOGIK XUSUSIYATLARI

Аннотация

В статье приведены сведения о распространении возбудителей гиподерматоза крупного рогатого скота в Республике Узбекистан, особенностях биологического развития и экологии популяции, масштабах и интенсивности инвазии в различных природно-климатических зонах.

Summary

The article provides information on the spread of pathogens of cattle hypodermatosis in the Republic of Uzbekistan, the characteristics of the biological development and ecology of the population, the scale and intensity of invasion in various natural and climatic zones.

Kalit so‘zlar. Hypoderma bovis, Hypoderma lineatum, bo‘ka, so‘na, g‘umbak, lichinka, entomoz, gipodermatoz.

Kirish. Bugungi kunda qoramolchilik chorvachlik tarmog‘ning asosiy yo‘nalishlardan biri hisoblanadi. Ushbu sohani yanada rivojlantirishda va ushbu sohada yuqori mahsulorlikka erishishda asosiy to‘siq bo‘ladigan omillardan biri ular orasida uchraydigan turli yuqumli, yuqumsiz va invazion kasalliklardir. Dunyo miqyosida qishloq xo‘jalik hayvonlari orasida uchraydigan invazion kasalliklarning epizootik holati, hayvon organizmidagi o‘zgarishlar, klinik belgilar, davolash hamda oldini olish bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar olib borilmoqda. Bu borada qoramollar orasida keng tarqalgan parazitar kasalliklarga erta tashxis qo‘yish, ularning oldini olish borasida olib borilayotgan tadqiqotlarga katta e’tibor qaratilmoqda. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, qoramollarda gipodermatozning tarqalishi, sistematikadagi o‘rnii, qo‘zg‘atuvchilarining bioekologik xususiyatlari hamda ilmiy asoslangan chora-tadbirlar tizimini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

Qoramolchilik chorvachilikning eng muhim aholi bandligini ta’minlovchi tarmoqlaridan bo‘libgina qolmay, aholiga oziq-ovqat mahsulotlari (go‘sht, sut, sut mahsulotlari) va yengil sanoatga qimmatli xomashyo (teri) yetkazib beruvchi soha hisoblanadi.

Hukumatimiz qarorlarini amalga oshirish, birinchi navbatda, mavjud chorva tuyoq sonini asrash, uni ko‘paytirish respublika chorva mutaxasislarining oldidagi eng mas’ulyatli vazifalardan biri ekanligini ko‘rsatib turibdi. Bu borada respublikamiz olimlari, amaliyotchi soha mutaxasislari tomonidan olib borilayotgan davolash va profilaktika ishlari ko‘lamni kengligi hammamizga ayon. Keyingi yillarda ekologik

muhit bir tomondan hayvonlar rezistentligiga salbiy ta’sit o‘tkazayotgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan kasallik qo‘zg‘atuvchi parazitlarning turli ekologik hududlarga keng tarqalishiga imkon yaratmoqda. Shuning uchun olib borilayotgan tadqiqotlar hududlarning ekologik holatini o‘rganish bilan bo‘g‘liq holda olib borilsa, maqsadga muvofiq bo‘ladi. Oldimizga qo‘yilgan vazifalar turli hududlarda qoramollarning gepadermatozini o‘z vaqtida aniqlashga, unga aniq tashxis qo‘yishga, zamnaviy usulda davolashning yangi uslub va vositalarni yaratishga qaratilgan bo‘lib, bugungi kundagi dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Tadqiqot materiallari va usullari. Tadqiqotlarda qoramol gipodermatozini o‘rganishga oid adabiyot ma’lumotlari tahlil qilinib, umumqabul qilingan usullardan hamda klinik, epizootologik va entomologik tekshirish usullaridan foydalilanilgan.

Tadqiqot natijalari. O‘zbekistonning turli hududlarida qoramollar gipodermatozi bir qator mualliflar tomonidan o‘rganilgan. Jumladan, I.X.Irgashev, T.Abduraxmonov, P.Haqberdiyev, R.Davlatov, T.Tayloqov, A.Tursunqulov, K.I.Abduladze, X.A.Axunov, U.Y.Uzaqov, X.M.Muydinov, N.X.Yenileyeva va boshqalar. Ammo so‘nggi yillarda qishloq xo‘jaligida, xususan chorvachilikda qator islohatlarning amalga oshirilish natijasida sohani yangicha yuritish shakllari – fermer, shirkat, shaxsiy yordamchi va dehqon xo‘jaliklari tashkil etilishi, endilikda ko‘pchilik hollarda hayvonlarni asrash, oziqlantirish texnologiyalarining bir muncha o‘zgarishi chorvachilikni rivojlantirishga qulay imkoniyatlar yaratmoqda. Shu bilan birga ba’zi bir ekologik

omillarning ta'siri oqibatida yirik va mayda shohli hayvonlar orasida respublikaning, ayniqsa sug'oriladigan biotsenozlarida ayrim parazit kasalliklarning, shu jumladan gipodermatozlarning kuchayib borishi, avj olishi kuzatilmogda. Bunday salbiy holat shaxsiy yordamchi va fermer xo'jaliklarda nafaqat qo'y va echkilar, balki qoramollarning mahsuldorligini pasayishiga yoki majburiy so'yilib ketishiga olib kelmoqda.

Hozirgi paytda qoramollar gipodermatozi bilan zararlangan hayvonlarni davolash muolajalarni bir tomonlama, ya'ni faqat u yoki bu insiktisetlar qo'llash usuli bilan amalgalashirilishi kutilgan natijalarni bermayapti. Bu esa o'z navbatida gipadermatoz kasalliklari qo'zg'atuvchilari bilan kuchli zararlangan qoramollarni davolash va oldini olish usullarini takomillashtirishni talab qiladi. Uning uchun esa kasalliklarga chalingan hayvonlarda kechadigan eng muhim morfobiokimyoviy va immunologik jarayonlarni chuqur o'rganish, olingan natijalarni har tomonlama tahlil qilish asosida ularni davolashda hozirgi mavjud an'anaviy usullar o'rniiga, yangi zamonoviy takomillashtirilgan usul va vositalarni yaratish va amaliyotga joriy qilish talab etladi.

Gipodermatoz – bu surunkali kechuvchi entomoz kasallik bo'lib, teri osti bo'kalari tomonidan qo'zg'atladi va parazitlar yashash joylarining yallig'lanishi, organizmning umumiy zaharlanishi hamda hayvon mahsuldorligining kamayishi bilan xarakterlanadi. Gipodermatoz asosan, qoramolla uchraydigan surunkali invazion kasallik bo'lib, teri ostida *Hypoderma bovis* va *Hypoderma lineatum* lichinkalari qo'zg'atadi.

Hypoderma bovis imagosining uzunligi 16 mm bo'lib, tanasi turli rangdagi junlar bilan qalin qoplangan va bosh, ko'krak, qorin qismlarga ajralgan. *H.lineatus* tanasining uzunligi 13 mm gacha bo'lib, oldingi ko'krak segmenti yon tomonidan sarg'ish va qoramitir tusda bo'ladi.

H.bovis quyoshli kunda 14-15°C da, *H.lineatus* undan pastdek haroratda ham faollashadi. *H.bovis* podalarni aylanib maxsus ovoz chiqaradi. Hayvon bunday ta'qibdan kuchli bezovtalanadi va hashorat hujumidan qutilishga harakat qiladi. *H.lineatus* esa sezdirmasdan hayvon juniga o'z tuxumlarini qo'yadi.

H.bovis qoramollar oyoqlarining pastki qismidagi, qorinning yumshoq pastki qismidagi, yelin atrofidagi junlarga bittadan, *H.lineatus* esa har bir junga bir nechtadan (20 tagacha) tuxum qo'yadi. Tuxumlarning

hajmi 0,85 mm gacha, ulardan chiqqan mitti lichinkalar 3 ta ko'krak, 8 ta qorin segmentlariga va 2 ta ilmoqchaga, ular o'rtasidagi kesuvchi apparatga ega. Ushbu moslamalar bilan terini teshib kirgan *H.bovis* lichinkalari yirik qon tomirlar va nerv tolalari bo'ylab bel qismiga harakat qilib, umurtqa pog'onalari orasidagi teshikcha orqali bel miya kanali bo'shlig'iga tushadi. Bu joyda lichinkalar 3 oygacha yashaydi. *H.lineatus* lichinkalari esa teri ostidan migratsiya qilib qizilo'ngachning shilliq pardasi ostiga kiradi va unda 4-5 oy yashaydi. Shundan so'ng har ikkala so'nalarining lichinkalari qaytadan teri ostiga o'tadi va teri bel qismining teri osti kletchat-kasida to'xtaydi. Tezda lichinkalar tullab, II bosqich lichinkaga aylanadi. Lichinkalar atrofiga infiltrat yig'iladi. Hajmiga o'sgan lichinkalar atmosfera havosidan nafas olish uchun terini teshadi. Bir hafta ichida lichinkalar ikkinchi marta tullaydi va III bosqichli lichinkaga aylanadi. *H.bovis* lichinkalar bel qismdiagi teri ostida kamida 1 oy hayot kechiradi, shu orada u hajmiga katlashib yetiladi, so'ngra yerga tushib g'umbak hosil qiladi. Havo harorati va namlik qay darajada bo'lishiga ko'ra g'umbakli faza 20 kundan 2 oygacha davom etishi mumkin.

*H.bovis*ning III bosqichli lichinkasi uzunligi 28 mm gacha, *H.lineatus* niki 24 mm gacha bo'ladi.

H.bovis lichinkalarining xo'jayin organizmida rivojlanish davri 5-6 oy, *H.lineatus* niki 4-5 oy davom etadi.

G'umbakda rivojlanib undan tashqi muhitga chiqqan ikki qanotli so'nalar quyoshli kunlarda 6-8°C da, bulutli kunlarda 13-14°C da ucha boshlaydi. Ularning erkak shakkiali bir joyga to'planadi, urg'ochilari esa qo'shilish uchun ular atrofiga uchib keladi. Tuxumlari otalangach, so'nalar qoramollarni qidirishga tushadi. Ularga hujum qilib tuxumlarini junlariga yopishtirib ketadi. Voyaga yetgan so'nalar lichinkalik fazasida yig'ilgan oziqa moddalar hisobiga yashaydi, shu sababli ular 3-8 kun yashaydi xolos.

O'zbekiston Respublikasi hududi uchta iqlim zonasiga bo'linadi: tekislik, tog'oldi va tog', ularning har biri tashqi tuzilishi, iqlimi, tuproq xususiyatlari, o'simlik va hayvonot dunyosining tarqalishi bilan ajralib turadi.

Adabiyot ma'lumotlari shuni ko'rsatadiki, o'rganilayotgan iqlim zonalarida gipodermatoz invaziyaning turli darajalari va intensivligi bilan tavsiflan-

di. Tekislik zonasida hayvonlarda invaziysi tog‘oldi va tog‘ zonalariga qaraganda 48% ko‘proq tarqalgan (tog‘oldi zonası -29%, tog‘ zonası - 23%).

Klinik jihatdan aniq belgilarning rivojlanishi O‘zbekiston Respublikasining turli tabiiy-iqlim zonalarda gipodermatoz turli muddatlarda davom etadi. Erta bahordan boshlab pasttekislik zonasida aprel oyining ikkinchi - uchinchi o‘n kunligida, tog‘oldi va tog‘ zonalarida may oyining 1-2 o‘n kunligida boshlanadi.

Hasharotlar sonining eng yuqori o‘sishi may oyining uchinchi o‘n kunligida, iyun oyining birinchi va ikkinchi o‘n kunligida qayd etildi. Keyinchalik, iyun oyining uchinchi o‘n kunligida va iyul oyining ikki o‘n kunligida hasharotlar sonining kamayishi qayd etiladi.

Qoramollar gipodermatozining qo‘zg‘atuvchi patogenlari soni asosan ularning yashash joyidagi faoliyning borishi, gipodermatoz patogenlari populyatsiyasiga antropogen ta’sir ko‘rsatishi bilan belgilanadi, bu davrda akaritsidlarning ommaviy ishlatalishi bilan bog‘liq. Qoramollarda parazit bo‘lgan iksodid oqadilar bilan kurashish. Iyul oyining uchinchi o‘n kunligida va avgustning birinchi o‘n kunligida (tekislik zonasida) zararlanish soni ko‘tarilishining yangi cho‘qqisi hosil bo‘ladi. Sentyabr-oktyabr oylarida hasharotlar sonining asta-sekin pasayishi kuzatildi.

Tog‘oldi va tog‘ zonalarida hasharotlar sonining bir marta ko‘payishi qayd etildi. Bahor oxirida, salqin, yomg‘irli yozda, iyun oyining ikkinchi, uchinchi o‘n soniga, gipodermatoz invaziyasining kengligi va intensivligiga ta’sir ko‘rsatadi [8].

O‘zbekiston Respublikasi hududida qoramollar ikki turdagи bo‘kalar bilan zararlanadi: *Hypoderma bovis* (oddiy teri osti) va *Hypoderma lineatum* (qizilo‘ngach). Gipodermatozning qo‘zg‘atuvchilari turli xil tarqalish arealiga ega bo‘lib, *Hypoderma bovis* hamma joyda keng tarqalgan. *Hypoderma lineatum* asosan respublikaning tekis va tog‘ oldi zonalarida uchraydi. Qoramollarning kasallanishi turlicha namoyon bo‘ladi: pasttekislik zonasida 52,3% (oddiy teri osti), 47,7% qizilo‘ngach; tog‘ oldi – 60,7% va 39,3%; tog‘ – 96,9% va 3,1%. Respublikaning turli tabiiy-iqlim hududlarida turli yillar davomida may oyining ikkinchi o‘n kunlididan sentyabrning ikkinchi o‘n kunligiga qadar qayd etiladi.

Teri osti bo‘kalar to‘liq bosqichda rivojlanuvchi hasharotlar guruhiga kirib, ularning to‘la rivojlanishi yil

bo‘yi davom etadi. G‘umbakdan hasharotlarning chiqishi juda tez, 2-3 soniyada sodir bo‘lib, 30-80 soniyadan keyin ular uchadi. Yetuk hasharotlar 3-10 kun, ba‘zan past haroratda 28 kungacha yashaydi. Yetuk hasharotlar quyoshli kunlari havo harorati 6-8°C da, tumanli havo harorati 13-14°C bo‘lganda uchadi.

Katta yoshdagи qoramollarga nisbatan yosh hayvonlar gipodermatozga ko‘proq chalinadi. Qoramollar saqlanadigan hududlarda so‘nalar doimo uchraydi. Kasallikka uchragan hayvonlarni bir hududdan ikkinchi hududga ko‘chishi gipodermatozning yangi o‘choqlari paydo bo‘lishiga, keng tarqalishiga olib keladi.

So‘nalarning teri osti lichinkalari o‘z xo‘jayinlariga mexanik va toksik ta’sir ko‘rsatadi. Ular parazitlik xususiyatiga ko‘ra rivojlanishning dastlabki davridan oxirigacha xo‘jayinning to‘qimalaridagi oziqa moddalar hisobiga hayot kechiradi, ajratgan keraksiz mahsulotlari bilan organizmni zaharlaydi.

Kasallikni davolashda teri ostiga kirgan bo‘ka lichinkalariga qarshi kurash katta ahamiyatga ega. Butadbir teri osti bo‘kalari hasharotlarining uchish muddati tugagach o‘tkazilsa, yuqori samaradorlikka erishiladi.

Xulosa. Qoramol gipodermatoziga qarshi kurashda har bir hududning tabiiy iqlim sharoitlari va teri osti bo‘kalari rivojlanishining biologik xususiyatlarini hisobga olgan holda ularning lichinkalariga qarshi insektitsidlarni qo‘llab, bo‘ka hasharotlari uchish muddatlari tugagach, oldindan profilaktik ishlov berish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Абуладзе К.И. “Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных”. Москва, “Агропромиздат”, 1990.
2. Вацаев Ш.В. Гиподерматоз крупного рогатого скота (эпизоотология, видовой состав, популяционная экология) и разработка мер борьбы с ним в Чеченской Республике: дис. канд. вет. наук /Ш.В. Вацаев. – СПб. 2008.
3. Толоконников, В.П. Гиподерматоз крупного рогатого скота и меры борьбы с ним: рекомендации для практик. вет. врачей. Луцук; СтГАУ. - Ставрополь: АГРУС, 2010.
4. Муйдинов Х.К. Подкожные оводы крупного рогатого скота Каракалпакской АССР и разработка мер борьбы с ними. Автореферат диссертации. Москва, 1986.
5. Haqberdiyev P.S., Qurbanov Sh.X. Parazitologiya fanidan amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlari. Toshkent, 2015.

БЎРДОҚИГА БОҚИЛАЁТГАН ГЎШТ-ЁҒ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚЎЧҚОРЛАРДА ГИПОАВИТАМИНОЗ В₁ КАСАЛЛИГИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация

В статье описана случай встречиavitaminоза и гиповитаминоза В₁ у овец в Андижанской области. В природе организм овец, как жвачных животных с точки зрения физиологии питания, может синтезировать витамины группы В, в том числе В₁, в своем желудочно-кишечном тракте. Следовательно,avitaminоз В₁ и гиповитаминоз В₁ не должны возникать. Однако в последние годы имеются сообщения о том, что в практике животноводства это заболевание встречается у овец содержащихся в скромном однотипном сухом рационе. При применении комплекса витаминов группы В (MR В complex solutionibus D.T.D №7) внутривенно больным животным в ампулах по 2,0 мл в течение 7 дней было достигнуто положительный результат. Витамины вводили внутривенно в первые 2 дня в смеси 100,0 мл 20% раствора глюкозы и 2,0 мл 10% раствора кофеина бензоата натрия и был достигнут положительная динамика течения болезни.

Abstract

The article describes a case of vitamin deficiency and hypovitaminosis V1 in sheep in the Andijan region. In nature, the body of sheep, as ruminants from the point of view of nutritional physiology, can synthesize B vitamins, including B1, in their gastrointestinal tract. Therefore, vitamin B1 deficiency and hypovitaminosis B1 should not occur. However, in recent years there have been reports that in livestock farming practice this disease occurs in sheep kept on a meager, uniform dry diet. When using a complex of B vitamins (MR В complex solutionibus D.T.D No. 7) intravenously in sick animals in ampoules of 2.0 ml for 7 days, a positive result was achieved. Vitamins were administered intravenously in the first 2 days in a mixture of 100.0 ml of 20% glucose solution and 2.0 ml of 10% sodium caffeine benzoate solution and a positive dynamics of the disease was achieved.

Калим сўзлар: В гуруҳ витаминлари, шахсий томорқа хўжаликлари, қўйчилик, боқувга қўйши, гўшт-ёғ йўналиши, рацион, бир типли қурӯқ рацион, озуқалар, семизлик, шитаҳа, клиник белгилар, даволаши, олдини олиши.

Кириш (Introduction). В гуруҳи гиповитаминозлари бутун гуруҳ учун патогенези умумий бўлган ягона касалликни англатмайди, чунки этиологик омиллар турли хил хусусиятларга эга ва витаминлар ҳам турли таъсиirlарга эгадирлар. Ҳозирги вақтда В гурухига кирадиган витаминларнинг 20 хилдан ортиги маълум бўлди, улардан 11 хилининг таъсири механизми яхши ўрганилган. В гуруҳи витаминлари ҳайвонлар организмининг ҳаёт фаолиятида муҳим физиологик роль ўйнайди, улар сувда эрувчан ва кўплаб аминокислоталарнинг оралиқ алмашинувида катализаторлик қилувчи коферментларнинг, углеводларнинг, мураккаб липид (фосфатид)ларнинг таркибига киради ва тўқималарнинг нафас олишида, марказий нерв тизими фаолиятида иштирок этади, организмнинг инфекцияларга бардошлилигини оширади.

Фарғона водийсидаги кўплаб шахсий томорқа эгалари ўз хўжаликларида 4-5 ойлик онасидан ажратилган, думбали, гўшт-ёғ йўналишили қўчқорчаларни бир ёшгача боқувга қўйиш ва етилганларни сотиб катта даромад кўриш билан шуғулланадилар. Бир ёшгача бўлган кўчқор гўшти энг айло сифатли гўшт хисобланаб, таркибида холестерин моддасининг камлиги билан кадрланади. Ёш кўчқор гўштида — 290 мг/кг холестерин бўлса, бу кўрсаткич мол гўштида 750 мг/кг, чўчқа гўштида 745-1260 мг/кг ни ташкил этади [1].

Қўзи-кўчқор гўштининг инсон саломатлиги учун фойдалари шубҳасизdir, чунки унинг таркибида йод, олтингурт, хлор, калий, натрий, темир, магний, кобальт, марганец ва бошқа кўплаб муҳим моддалар ва микроэлементлар мавжуд. Бу турдаги гўшт В гурухи витаминларига ҳам бой. Таркибидаги темир миқдори бўйича қўзи кўчқор гўшти гўштнинг кўп турларидан устун туради ва факат буғу гўшти билан солишириш мумкин. Қўзи гўштининг бу фойдали хусусияти уни камқонлик (анемия) билан хасталанган одамларнинг

рационида муҳим озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради [1,4].

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор бўлиб, биз мақолада шу ҳақда фикр юритмоқчимиз. Масала шундаки, Фарғона водийсида, айниқса, Андижон вилоятида ем-хашак экинларининг майдонлари чегараланганилиги ва яйловларнинг деярли йўқлиги сабабли шахсий томорқа эгалари ўз хонадонларида қўчкорларни бир жойда, кўйлар учун енгил конструкцияли кўраларда саклашга, бир типли, факат куруқ пичан озукалари билан боқувга қўйишга мажбур бўладилар.

Адабий шарҳ (Literature Review). Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ички юқумсиз касалликлари дарслигида (Внутренние незаразные болезни с/х животных, под ред. И.Г.Шарабрина, изд.5-е, 369-бет.) В₁ гиповитаминоз касаллиги организмда тиамин (витамин В₁) нинг этишмаслиги ёки бутунлай бўлмаслигидан келиб чиқади, Марказий нерв тизими фаолиятининг бузилиши, юрак фаолиятининг заифлашуви ва мускуллар атрофияси, ориқлаш билан кечади [1,2,4].

Кейинги йилларда катта ҳайвонларда ҳам касаллик рационда бу моддаларнинг йўқлиги сабабидан учраб туриши қайд этилган. Турли адабиётларда кузги буғдой сомонида В₁ витамины умуман йўқ эканлиги, сарик маккажўхори донида 4,0 мг, буғдой кепагида 6,0 мг миқдорида борлиги кўрсатилган, мosh палаги ва ер ёнғоқ пояси маълумотлари эса келтирилмаган [3,5].

Мақола муаллифига қўчқорларни боқиши билан шуғулланувчи бир неча шахсий томорқа эгалари мурожаат этганларни ушбу мақоланинг дунёга келишига туртки бўлди.

Материаллар ва усуллар (Materials and methods). Тадқиқотлар давомида ветеринарияда қабул қилинган умум текширув ишларидан фойдаланилди. Тадқиқотларда кузатув ва олинган натижаларни таҳлиллаш усулидан фойдаланилди.

Натижалар (Results). *Анамнез маълумотлари.* Ҳайвонларнинг озукаси сифатида асосан кузги буғдой сомонидан, буғдой ўриб олингандан сўнг экилган, куз фаслида октябрь ойида йигишириб олинадиган мош палагидан, камрок ер ёнгок (арахис) поясидан, кучли озуқалардан асосан маккажӯхори донидан, камрок буғдой кепагидан фойдаланилади. Кўчкорларнинг озиқлантириш рациони асосан бир хил типли бўлиб, кишида ва ёзда ҳам куруқ пичан озуқали хисобланади, яшил кўкатли озуқалардан эса деярли берилмайди.

Ҳайвон эгасининг маълумотларига кўра 2 бош кўйларда асаб тизими ишининг бузилиши, юрак фаолиятининг бузилиши, мускулларнинг атрофияси ва ориқлаш белгилари намоён бўлган.

Дастлабки маълумотлар. Клиник кўрик учун жайдари зотли, қора тусли, семизлиги ўртачадан паст, 8 ойлик ёшдаги қўчкорлардан 2 бош тақдим этилди.

Умумий текширишлар. Ҳайвонларнинг тана харорати 38,7 ва 38,9, (меъёрда 38,5-40,5) пульси 85 ва 90 (меъёрда 70-80), нафас олиш сони 20 ва 24 (меъёрда 16-30), руминация 2 минутда 2 мартадан (меъёрда 3-6) эканлиги аниқланди. Тери ва тери қопламида патологик ўзгаришлар аниқланмади. Шиллик пардаларда одатдагидан кўра окишроқ, кам конли. Ҳайвонларнинг бўшашибгани, бошини кўйи қилган холда тик туриши ва кулоқларининг осилиб турганлиги ва вақти-вақти билан бошини озуқа охурига тираб тургани, кам ҳаракатчанлиги, ташки таъсиrlарга бефарқлиги ва иштаҳа камайганлиги эътиборимизни қаратдик.

Нафас олиш органлари текширилганида бурун бўшлиғи тоза, намли ва оқишлиар ўйқлиги, шиллик қаватлари ўзгаришсиз. Кўкрак қафаси пальпация ва аускультация килинганида, патологик холатлар аниқланмади.

Овқат хазм қилиш органлари текширилганда, иштаҳанинг камайганлиги, кавш қайтаришнинг, озуқа луқмасининг чайналиши секинлашибгани қайд этилди. Кавш қайтарилимасдан турган пайтда ташки кўрик йўли билан текширишда оғиз ёпик, лаблар бир-бирига текис ёпилган ва оғиз бўшлиғидан ҳеч қандай оқишлиар йўқ. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати яхлитлиги бузилмаган, ранги табиий ва ҳеч қандай яралар йўқ. Томоқ ва қизилўнгач ташки томондан кўрик ва пальпация усуларида текширилди ва патологик холатлар аниқланмади. Қўйларнинг катта қорни пальпация усулида сезигрлиги, тўлганлик даражаси, катта қорин ичида озуқа массасининг консистенцияси, катта қорин қисқариши кучи, ритми ва қисқариш сони аниқланди. Оч бикин соҳасидаги корин девори юмшоқ ва оғриксиз. Дефекация акти текширилишида ич кетиш, ич қотиши, ихтиёrsиз тезак чиқариш аниқланмади, дефекация оғриксиз. Тезак узунчок, овал юмалоқ шаклланган, ранги ва хиди ўзгартмаган.

Сийдик ажратиш ҳайвонлар тик турган, позаси ўзгартмаган холатда амалга оширилди, сийдик сескин ва ингичка оқим билан чиқарилди, буйраклар чукур пальпация усулида текширилганида, жойлашибгани ўзгартмаган, усти силлик, шакли катталашибмаган, оғриксиз. Чиқарилаётган сийдик миқдори, ранги ва хиди ўзгартмаган.

Нерв тизими органлари ташки кўрик ва кузатиш йўли билан текширилди, унда ҳайвонларнинг енгил да-

ражада бўшашибганилиги аниқланди, қўзгалиш, мажбурий ҳаракатлар, гайри ихтиёрий ҳаракатлар аниқланмади. Калла сугиги яхлитлиги бузилмаган, шикастланиш аломатлари топилмади. Кўз олмаси, шоҳ қавати, қорачиг кўрик йўли билан сунъий ёритиши мосламаси ёрдамида ўрганилди ва унда кўз олмасининг чукур ботиши, бўртиб чиқиб қолиши аниқланмади, қовоқлар инфильтрацияси, юкори қовоқнинг осилиб қолиши топилмади. Елка (ягрин), қорин ва шиллик қаватлар (коңьюктива, пишқириш) рефлекслари ўзгартмаган.

Диагноз қўйишда анамнез маълумотлар ва умумий текширишлар ва органлар тизимларини текшириш натижаларига асосланилди ва дастлабки тарзда мия соҳасининг ёпиқ шикастланиши, мия чайқалиши диагнозига ва якуний эса гиповитаминос В₁ диагнозига тўхтадик.

Даволаш. Анамнез маълумотларига асосланиб, гиповитаминос В₁ ни ёддан чиқармаган ҳолда, В гурухи гиповитаминосларининг ҳам олдини олиш мақсадида кўчкорларга Витамин В комплекс (MR В complex solution pro injectionibus D.T.D № 7) препаратидан 2,0 мл ампулаларда 7 кун мобайнида вена томирига юборилди ва ижобий натижага эришилди. Витаминлар дастлабки 2 кунда 20% ли глюкоза эритмасидан 100,0 дан ва кофеин бензоат натрий 10% эритмасидан 2,0 мл билан қўшиб вена қон томирига юборилди.

Олдини олиш. Медикаментоз даволаш билан бир пайтнинг ўзида қўйларнинг рационига буғдой кепаги, илдизмевали озуқалардан сабзи, ёз фаслида яшил кўкат озуқалари киритиш тавсия этилди.

Мунозара (Discussion). Қўйларни, айниқса кўчкорларни бўрдокига боқиши билан шугулланадиган шахсий томорқаларда кавш қайтарувчи, хусусан майдо шохли молларда гиповитаминос В касалликлари ҳайвонлар рациони йил мобайнида бир типли куруқ пичанлардан иборат рационлар ва унинг таркибида В гурухи витаминлари йўқ буғдой сомонидан ва кучли концентрат озуқалардан факат маккажӯхори донидан фойдаланилганида келиб чиқиши мумкинлиги аниқланди.

Хулоса: Қўйлар бир куруқ типли рационларда бўрдокига боқилганда уларнинг рационларини етишмаган витаминлар, биологик фаол моддалар билан айниқса қиши ойларининг ўртасидан охиригача бойитиш зарур.

Чорва молларини тўғри озиқлантириш уларда моддалар алмашинуви бузилиши ва юқимсиз касалликларнинг олдини олишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Внутренние незаразные болезни с/х животных, под ред. И.Г.Шарабрина, изд.5-е, 1976 г.369-бет.
2. Внутренние незаразные болезни с/х животных, под ред. И.Г.Шарабрина, изд. 6-е, 1982 г.315-бет.
3. Нормы и рационы. Кормления с/х животных.под ред. А.П.Калашникова, Москва, Колос, 1985, 332-339 бетлар
4. Клиническая диагностика внутренних незаразных болезней животных. Москва, АгроЛит, 1988.
5. Хохрин С. Н. Кормление крупного рогатого скота, овец, коз и лошадей, СПб ООО “Квадро” 2019,482 с.

Худайназарова Нилуфар Эшмуратовна, мустақил тадқиқотчи,
Дилмуродов Насриддин Бабакулович, профессор,
Дониёров Шохрух Зафарович, в.ф.ф.д., (PhD),
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик
ва биотехнологиялар университети

ТОВУҚЛАР СТИЛОПОДИЙ СУЯКЛАРИ ТАРКИБИДАГИ СА ВА Р МИҚДОРИНИНГ ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЎЗГАРИШИ

Аннотация

Изучена динамика изменения относительных показателей кальция и фосфора в составе костей стилоподия крыла (грудной конечности) и тазовой конечности кур яичного направления в постнатальном онтогенезе. Установлено, что относительный показатель количества Ca и P в составе плечевой и бедренной костей интенсивно увеличиваются с первых суток постнатального онтогенеза до 168-го дня, т.е. до периода физиологической зрелости и, начиная с 280-го дня этот процесс замедляется.

Калим сўзлар: товуқлар, стилоподий, елка суюги, сон суюги, кальций, фосфор, нисбий кўрсаткич, постнатал онтогенез, ўсиш коэффициенти.

Кириш. Суяклар организмда кальций, фосфор ва бошқа кўплаб минерал моддалар алмашинувини таъминлаб берадиган органлардан бири ҳисобланади. Суякнинг морфо-физиологик қуввати авваламбор юқоридаги элементларнинг миқдори билан боғлиқ бўлиб, у паррандаларнинг постнатал тараққиёти даврида кўпгина омиллар таъсирида шаклланиб боради ҳамда маълум морфофункционал хусусиятларни намоён қилади. Айниқса, тухум йўналишидаги товуқларда тухумнинг шаклланиш жараёнининг кечиши даврида суяклар таркибидаги асосий минерал моддаларнинг қонга жадал чиқарилиши, ўз навбатида суякларнинг морфофункционал кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатишни инобатга олган ҳолда, уларни илмий асосда озиқлантиришни мақбуллаштириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Минерал моддалар ёки таянч тўқималар (кальций), энергияга бой (олтингугурт, фосфор) бўлган бирикмалар таркибида киради. Минерал моддалар шунингдек, тирик организмнинг ферментатив фаоллиги ва функцияларига ҳам таъсир кўрсатади. Бунда суякларнинг асосий таркибий қисми бўлган кальций, магний, фосфор ва бир қатор микроэлементлар муҳим рол ўйнайди [1].

Кальцийнинг бирикадиган ва бирикмайдиган фракцияларининг нисбати оқсил билан боғланган кальций ҳисобидан ўзгариб туриши мумкин. Шутариқа товуқлар тухум қўядиган даврда кальций-протеин ва кальций-фосфолипопротеин мажмуулари ҳисобидан қон зардобидаги кальцийнинг умумий

Summary

The dynamics of changes in the relative indices of calcium and phosphorus in the composition of the bones of the stylopodia of the wing (thoracic limb) and the pelvic limb of egg hens in postnatal ontogenesis was studied. It has been established that the relative indicator of the amount of Ca and P in the composition of the humerus and femur intensively increases from the first day of postnatal ontogenesis to the 168th day, i.e. until the period of physiological maturity and, starting from the 280th day, this process slows down.

миқдори кўпаяди. Аммо бунда ионлашган кальций миқдори ўзгармасдан қолади ёки кам даражада тебраниб туради. Ионлашган кальцийнинг карбонат кислотаси тузлари сифатида тухум пўстлоғига тўпланиши ионлашган кальцийнинг қондан кейинчалик сўрилишига имкон яратади [2, 3].

Суякларнинг асосий таркибий қисми бўлган кальцийнинг ўзлаштирилиши ингичка ичакларнинг юқори бўлимида икки йўл билан рўй беради, яъни кальцийнинг ингичка ичаклар девори орқали фаол ўтиши натижасида ҳамда маҳсус кальцийбоғловчи оқсил ёрдамида амалга ошади. Кальцийбоғловчи оқсилнинг миқдори нисбатан доимий бўлиб, тухум қўяётган даврда кальцийни бириктириб олиш қобилияти эса икки баробарга ошади. Тухум пўчогининг максимал кальцийланиши даврда кальцийнинг сийдик билан ажralиши 5-7 марта гача камаяди. Муаллифларнинг таъкидлашича, кальций экскрецияси тухум қўймаган кунлари 40-50 мг/% бўлса, тухум пўчогининг ҳосил бўлиш даврида 5-8 мг/% га тенг бўлиши ва бу холат тухум қўядиган товуқларда кальцийнинг ўзлаштирилиши тухум пўчогининг шаклланиши даврида кўпайиши кузатилади [5, 8].

Илмий тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, эриган кальций бирикмаларининг кўп қисми унинг эркин ионлари билан биргаликда ингичка ичакларда фосфор кислотаси ва карбонат кислотасининг қолдиқлари билан қайта реакцияга киришади [6].

Паррандаларнинг ҳаёт фаолиятида кальций ва фосфордан ташқари, бошқа макро- ва микроэле-

ментлар ҳам мухим аҳамият касб этади. Масалан, натрий паррандалар организмига тўқималарнинг ҳосил бўлиши, осмотик босимнинг доимиyllигини сақлаб туриш, минерал, азот ва ёғлар алмашинувуни бошқариб туриш учун зарур. Натрий етишмовчилиги паррандалар организмида кальций ва фосфор алмашинувининг бузилишига олиб келади ва бунинг натижасида сүякларнинг юмшаб қолиши, тухум пўчоғи сифати ва маҳсулдорликнинг пасайиши келиб чиқади [7].

Паррандалар замонавий ишлаб чиқариш шароитида кўпинча нафакат микроэлементлар, балки макроминераллар танқислигига учрайди. Ушбу етишмовчилик энг аввало гўшт, тухум маҳсулотлари меъёрдан кам олиниши, маҳсулот сифатининг ёмонлашиши, ёш жўжалар ва катта ёшли товуқларнинг сақланувчанлиги пасайишига, сүяклар мустаҳкамлигининг камайишига сабаб бўлади [4].

Тадқиқотчининг таъкидлашича, паррандаларнинг фосфор билан бойитилган озиқа қабул қилиши ёш организмларда сүякларнинг бошланғич ривожланиши учун мухим аҳамият касб этади [9].

Тадқиқотнинг мақсади: тухум йўналишидаги товуқлар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида стилоподий сүяклари кимёвий таркибининг ўзариш хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Илмий тадқиқот ишлари СамДВМЧБУ, ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедраси лабораториясида бажарилди. Тадқиқот обьекти сифатида 1, 16, 35, 85, 120, 168, 280, 420 ва 570 кунлик “Декарб” кроссига мансуб тухум йўналишидаги товуқлар олиниди. Товуқлар сўйилиб, консизлантирилди ва қанот (олдинги оёқ) ҳамда орқа оёқ сүяклари танасидан ажратилди ва аналитик тарозида ўлчанди.

Сүякнинг кул моддаси таркибидаги кальций ва фосфор элементларининг микдорини аниқлаш учун тигеллардаги кул моддаси ступкага ўтказилиб, бир масса ҳосил бўлгунга қадар майдаланди. Аналитик тарозида 1 г кул моддасининг қолдиги ўлчаб олинди. Олинган кул моддасининг қолдиги ўша тигелнинг ўзида 10 мл 25% ли хлорид кислота эритмасида эритилди, бунда шиша таёқча билан узлуксиз аралаштириб турилди. Ҳосил бўлган эритма 250 мл ли идишга ўтказилди. Тигел бир неча бор дистилланган сув билан чайқатилиб, ўша колбага солинди.

Сўнгра колбадаги эритманинг ҳажми дистилланган сув билан 250 мл га ўтказилди ва эритма яхшилаб аралаштирилди. Эритма тиндирилгач, анализ қилинди.

Тадқиқот натижасида олинган кўрсаткичларнинг рақамли маълумотлари Microsoft Excel компьютер дастурлари ёрдамида вариация статистикаси усуллари билан ишловдан ўтказилди.

Морфометрик ўлчамларнинг ёшига қараб ўзгариш динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффициенти ҳисбланди. Ўсиш коэффициенти катта ёшдаги товуқлар сүяклари кўрсаткичларини кичик ёшдаги товуқларнинг тегишли кўрсаткичларига бўлиш йўли билан, бутун текширилган постнатал онтогенез даври эса К.Б.Свечин томонидан ишлаб чиқилган формула билан аниқланди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Товуқлар стилоподий сүяклари таркибидаги макроэлементларнинг нисбий микдори постнатал онтогенезнинг ҳар хил физиологик босқичларида ўзига хос ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди.

Елка суюги таркибидаги Са микдорининг нисбий кўрсаткичи товуқлар постнатал онтогенезининг биринчи кунидан 16 кунлигига қадар жадал ортиб, $6,28 \pm 0,07\%$ дан $13,51 \pm 0,27\%$ гача ёки шудавр ичида унинг ўсиш коэффициенти 2,15 марта гача кўтарилиши ва ривожланишнинг 168 кунлигигача мазкур ҳолатни босқичли тарзда давом этиши, яъни 35 кунликда – $14,31 \pm 0,3\%$ ($K=1,05$) га, 85 кунликда – $16,74 \pm 0,26\%$ ($K=1,17$; $p<0,03$) га, 120 кунликда – $19,78 \pm 0,34\%$ ($K=1,18$) га, 168 кунликда – $19,91 \pm 0,41\%$ га этиши қайд этилди. Елка суюгининг ушбу кўрсаткичи постнатал тараққиётнинг 168 кунлигидан кейинги ўшларда сезиларсиз пасайиб бориши ва 280 кунликда – $17,13 \pm 0,18\%$ ($K=0,86$) гача, 420 кунликда – $16,81 \pm 0,18\%$ ($K=0,98$) гача, 570 кунликда – $16,25 \pm 0,23\%$ ($K=0,94$; $p<0,02$) гача тушиши кузатилди. Товуқлар постнатал онтогенезининг бир кунлигидан 570 кунлигига қадар елка суюги таркибидаги Са микдори нисбий кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти 2,58 марта гача кўтарилиб бориши аниқланди.

Елка суюги таркибидаги Р микдорининг нисбий кўрсаткичи товуқлар постнатал ривожланишининг дастлабки кунлигидан 16 кунлигига қадар $6,05 \pm 0,08\%$ дан $6,93 \pm 0,11\%$ гача ва ўсиш коэффициенти 1,62 марта гача ортиб, бу кўрсаткичининг жадал кўтарилиб бориши 168 кунликкача давом этиши,

яъни 35 кунликда – $7,39 \pm 0,07\%$ ($K=1,22$; $p<0,02$) га, 85 кунликда – $7,96 \pm 0,09\%$ ($K=1,17$) га, 120 кунликда – $8,11 \pm 0,3\%$ ($K=1,16$) га, 168 кунликда – $10,03 \pm 0,23\%$ ($K=1,23$; $p<0,03$) га етиши қайд этилди. Суякнинг ушбу кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 168 кунлигидан кейинги босқичларида деярли ўзгармасдан қолиши кузатилди.

Сон суяги таркибидаги Са миқдорининг нисбий кўрсаткичи товуқлар постнатал онтогенезининг 1 кунлигидан 16 кунлигига қадар бирмунча жадал ортиб, $6,5 \pm 0,13\%$ дан $13,67 \pm 0,18\%$ ($K=2,1$; $p<0,02$) гача кўтарилиши, сўнгра 168 кунликкача бу ҳолатни деярли бир маромда давом этиши ва 35 кунликда – $14,43 \pm 0,27\%$ ($K=1,06$) га, 85 кунликда – $16,81 \pm 0,29\%$ ($K=1,16$; $p<0,03$) га, 120 кунликда – $19,82 \pm 0,24\%$ ($K=1,18$) га, 168 кунликда – $19,94 \pm 0,28\%$ ($K=1,01$) га етиши қайд этилди. Сон суягининг ушбу кўрсаткичи постнатал ривожланишнинг 280 кунлигидан 168 кунликдагига нисбатан бироз пасайиб бориши, яъни 280 кунликда – $17,15 \pm 0,24\%$ ($K=0,86$) ни, 420 кунликда – $16,71 \pm 0,27\%$ ($K=0,97$) ни, 570 кунликда – $16,28 \pm 0,21\%$ ($K=0,95$) ни ташкил этиши аниқланди. Сон суяги таркибидаги Са миқдори нисбий кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти товуқлар постнатал онтогенезининг дастлабки кунлигидан 570 кунлигигача давр давомида 2,5 мартагача ортиши кузатилди.

Сон суяги таркибидаги Р миқдорининг нисбий кўрсаткичи товуқлар постнатал онтогенезининг дастлабки кунлигига 6,67±0,12% га teng бўлиб, бу кўрсаткичининг 168 кунликка қадар деярли бир маромда кўтарилиб бориши, яъни 16 кунликда – $6,92 \pm 0,07\%$ ($K=1,04$; $p<0,02$) гача, 35 кунликда – $7,46 \pm 0,12\%$ ($K=1,08$) гача, 85 кунликда – $7,9 \pm 0,09\%$ ($K=1,06$) гача, 120 кунликда – $8,26 \pm 0,11\%$ ($K=1,05$; $p<0,02$) гача, 168 кунликда – $10,05 \pm 0,14\%$ ($K=1,22$) гача ортиши қайд этилди. Суякнинг ушбу кўрсаткичи 168 кунликдан кейинги ёшларда бироз камайиши, яъни 280 кунликда – $9,25 \pm 0,25\%$ ($K=0,92$) гача, 420 кунликда – $8,69 \pm 0,26\%$ ($K=0,94$) гача, 570 кунликда – $8,37 \pm 0,11\%$ ($K=0,9$) гача тушиши кузатилди. Товуқлар сон суяги таркибидаги Р миқдори нисбий кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти постнатал онтогенезнинг бир кунлигидан 570 кунлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,25 мартагача кўтарилиши аниқланди.

Хулоса: тухум йўналишидаги товуқлар елка ва сон суяклари таркибидаги Са ва Р миқдорининг

нисбий кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 168, яъни физиологик вояга етиш даврига қадар жадал ортиши ҳамда кейинги 280 кунликдан бошлаб ушбу жараённинг секинлашиши аниқланди. Демак, Са ва Р элементлари товуқларнинг жинсий ва физиологик вояга етиш даврига қадар суякларда тўпланиб бориши, тухум қўйиш даврида эса тухум пўчоини шакллантириш учун кўп миқдорда конга чиқарилиши натижасида суяк таркибида захираланиш жараённинг сусайиши кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Бессарабов Б.Ф., Алексеева С.А., Клетикова Л.В. Лабораторная диагностика клинического и иммунобиологического статуса у сельскохозяйственной птицы // М.: Колос С, 2008. –151 с.
- Величко О.А. Продуктивность и качество яиц кур при различном уровне кальция в комбикормах // Зоотехния. М.: 2008. - № 10. –С. 28-29.
- Евстратова А.М. Биологические аспекты повышения яичной продуктивности // М.: ВНИИТЭ-ИСХ, 1982. – 56 с.
- Лумбунов С.Г., Лузбаев К.В., Александрова Е.А. Применение биологически активных веществ в животноводстве и птицеводстве Бурятии // Монография. – Улан-Удэ: Изд-во ФГОУ ВПО «БГСХА им. В.Р. Филиппова», 2016. – 104 с.
- Подобед Л.И. Руководство по кальций-fosфорному питанию сельскохозяйственных животных и птицы // Монография. Одесса: «Печатный дом», 2005. – 410 с.
- Шушлебин В.И., Жердева А.И., Кузнецова Т.П. Профилактика минеральной недостаточности птицы в хозяйствах промышленного типа // Инновационные разработки и их освоение в промышленном птицеводстве: мат. XVII Международной конференции ВНАП. – Сергиев Посад, 2012. – С. 281-282.
- Фисинин В.И., Калашников В.В., Драганов И.Ф. Новое в кормлении животных // Справ.пособие. М.: Изд-во РГАУМСХА, 2012. - 612 с.
- Bronner F. Intestinal calcium absorption: mechanisms and applications // Journal Nutrition. – 1987. – Vol. 117. –P. 1347-1352.

PATOLOGOANATOMIK YORIB TEKSHIRISH NATIJALARINI TAHLIL QILISH VA UMUMLASHTIRISH TARTIBI

Аннотация

В статье освещены сведения по анализу и обобщению результатов патологоанатомического вскрытия трупов сельскохозяйственных животных. Приведены данные о прижизненных патологических процессах, механизмах смерти и степени выраженности трупных явлений при оценке результатов вскрытия.

Kalit so‘zlar: patologik jarayon, agoniya, jasad o‘zgarishlari, asfiksiya, yurak paralichi, sianoz, Tarde dog‘lari, o‘lim mexanizmlari.

Chorvachilik amaliyotida o‘lgan yoki majburiy so‘yilgan hayvon jasadini yorib tekshirishda veterinariya mutaxassis odadta uch toifadagi o‘zgarishlarga duch keladi. Bular quyidagilardir: hayvonning tirikligida rivojlangan patologik jarayonlar, agoniya davridagi o‘zgarishlar va o‘limdan keyingi jasad o‘zgarishlari.

Bunda agoniya davridagi va o‘limdan keyingi o‘zgarishlar hayvonning tirikligida rivojlangan patologik jarayonlarni yashirib yoki o‘zgartirib yuborishi mumkin. Shuning uchun yorib tekshirish natijalarini baholashda o‘lim mexanizmlarini va o‘limdan keyingi jasad o‘zgarishlarining rivojlanish darajasini albatta, e’tiborga olish kerak.

O‘limdan keyingi jasad o‘zgarishlari biron-bir kasallikka nisbatan o‘ziga xoslikka ega emas, ulardan o‘limning taxminiy vaqtini ya hayvon jasadining holatini aniqlash maqsadidagina foydalanish mumkin. Biroq o‘limdan keyingi o‘zgarishlarning rivojlanish tartibini bilish, ularni hayvon tirikligida rivojlangan patologik jarayonlardan farqlashda (differensiatsiya qilishda) juda muhim ahamiyatga ega.

Agoniya davridagi o‘zgarishlar. Kasallikning turi va xarakteri hamda hayvonga tashqi ta’sirlarning qanday bo‘lishidan qat’iy nazar, o‘lim nafas olishning to‘xtashi (ASFISIYA) yoki yurak paralichi sababli sodir bo‘ladi. Biroq mazkur sabablar qatoriga, zo‘rlik bilan o‘lim sodir bo‘lgan holatlar diagnostikasini yengillashtirish maqsadida, kuchli qon yo‘qotish va markaziy asab tizimining ayrim (shok, bosh miya chayqalishi, anopleksiya va boshqa) jarohatlanishlarini ham qo‘sish mumkin. Mazkur o‘lim mexanizmlarining har biri o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, jasadda xarakterli morfologik alomatlar paydo bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Shu bilan birga, o‘limning yakuniy sababiga bog‘liq a‘zolar va to‘qimalardagi patomorfologik o‘zgarishlarga nisbatan, zo‘rlik bilan to‘satdan o‘lim sodir bo‘lgan barcha holatlardagi jarayonlar odadta yorqinroq namoyon bo‘ladi va hayvon o‘limning genezi va turini aniqlashda katta ahamiyat kasb etadi.

Asfiksiyada (serebral o‘limda) nafas olish to‘xtagandan keyin ma’lum muddat (odatda 5-8 minut) davomida yurak faoliyat davom etadi. Ko‘krak qafasi hamda diafragmaning so‘rib olish funksiyasi to‘xtab qolishi oqibatida yurakning o‘ng qorinchasiga bosim oshadi va uning kengayishi ro‘y beradi. Yurak faoliyatining kuchsizlashuvi sari kichik qon aylanish doirasida qon bosimi oshadi, tomirlarning o‘tkazuvchanligi o‘zgaradi. Bu holatlarning natijasida traxeya va bronxlarning shilliq pardalarida, o‘pka oralig‘ida, o‘pkan-

Annotation

The article covers information on the analysis and generalization of the results of pathological autopsies of farm animal corpses. Data are presented on intravital pathological processes, mechanisms of death and the severity of cadaveric phenomena when assessing the results of the autopsy.

ing plevrasi va epikard ostida mayda nuqtali qon quyilishi (Tarde dog‘lari) paydo bo‘ladi. Tez rivojlanib boradigan anoksemita tufayli asab tizimi simpatik bo‘limining kuchli qitiqlanishi hamda ko‘z qorachiqlari, taloq trabekululari, siydiq pufagi, ichaklar silliq mushaklarining qisqarishi rivojlanadi.

Shunday qilib, jasadda asfiksiyaga xos quyidagi o‘zgarishlar kuzatiladi: ko‘rinarli shilliq pardalarning sianozи; ko‘z qorachiqlarining kengayishi; qonning suyuq va qoramirligi; Tarde dog‘lari; asfiksiyali yurak (yurak bo‘lmalari va o‘ng qorinchaning qonga to‘lishi bilan bir paytda chap qorinchaning umuman bo‘shligi); o‘pkaning kengayishi; jigarning turg‘un giperemiyasi; taloqning qisqarishi va kamqonligi; siydiq pufagining bo‘shligi. Shu bilan birga, mazkur jarayonlarning namoyon bo‘lish darajasi va o‘zarobog‘lanishi kuchli o‘zgarishi mumkin. Masalan, hayvonning tirikligida kattalashmagan bo‘lsagina, taloq qisqaradi; to‘satdan va tez sodir bo‘lgan o‘limlarda hamda yurak faoliyatining to‘xtashi tufayli qon suyuqlashadi.

Mexanik asfiksiyalar jarayonida nafas olishning to‘xtashi tufayli, o‘limning yuqorida keltirilgan umumiyligi belgilardan tashqari, zo‘rlik bilan o‘lim oqibatidagi u yoki bu darajada ifodalangan asfiksiyalarning konkret turiga xos mahalliy o‘zgarishlar ham qayd etiladi.

Masalan, suvgaga cho‘kib o‘lgan hayvonlarning jasadlarini patologoanatomik yorib tekshirishda o‘ziga xos o‘zgarishlari kuzatish mumkin: nafas olish yo‘llarida mayda pufakchali ko‘pikning turg‘unligi, plevra ostida va o‘pka parenximasida yaqqol chegaralanmagan kichik-kichik qon quyilishlarining mavjudligi, o‘pka va oshqozonda suyuqlik borligi, ko‘krak va qorin bo‘shliqlarida serozli tanssudatning yig‘ilishi kabilari. O‘pkadagi diafragmal bo‘limlarning cho‘kishi, old bo‘limlarning emfizemasi, cho‘kkan bo‘limlarning bir xil bo‘lmagan och qizil va to‘q qizil tusdaligi, old bo‘limlarning esa yorqin tusdaligi ko‘krak qafasining bosim ostida siqilishi tufayli sodir bo‘lgan asfiksiyaga xosdir. Sirtmoqdan bo‘g‘ilib o‘lgan holatlarda esa bo‘yinda arqonning izi va traxeyaning tog‘ay halqlari yoki hiqildoqning sinishi kuzatiladi.

Hayvonlarda birlamchi yurak paralichi (somatik o‘lim) asfiksiyaga nisbatan juda kam uchraydi va odadta nafas olishning to‘xtashi bilan deyarli bir vaqtida sodir bo‘ladi. O‘lim mexanizmining bunday holatlarda - yorib tekshirishda yurakdagagi barcha bo‘shliqlarning kengayishi va qon bilan to‘lishi (paralichli yurak), ichki a‘zolarning turg‘un giper-

емиysi va ko‘rinadigan shilliq pardalarning och-ko‘kimtir rangdaligi – o‘ziga xos o‘zgarishlardir.

Yurak faoliyatining tobora zaiflashuvu tufayli organizmda umumiy turg‘un giperemiya rivojlanadi, yurak xaltachasi, ko‘krak va qorin bo‘shliqlariga oz miqdorli ekssudating chiqishi ro‘y beradi, o‘pkada esa gipostatik shishish va yurak bo‘shliqlarda fibrin moddasining ivib qolgan laxtalari kuzatiladi. Aorta yoki miokardning yorilishi tufayli yurak xaltachasiga qon quylishi oqibatida sodir bo‘ladigan yurak tamponadasi holatidagina yurak qisiladi va u go‘yoki sistola vaziyatidagi ko‘rinishda bo‘ladi.

Sud-veterinariya ekspertlari tomonidan o‘limning qo‘shimcha mexanizmlari sifatida ajratiladigan ko‘p miqdordagi qon yo‘qotish va markaziy asab tizimining ayrim og‘ir jarohatlari ham o‘ziga xos xususiyatlarga ega. Ko‘p miqdorda qon yo‘qotishlarda jasadda keng rivojlangan umumiy anemiya, qisqargan va deyarli qonsizlangan yurak, chap qorincha endokardida dog‘li qon quylishlari, buyraklar rangining o‘chganligi hamda ochiq yaralar, ichki a‘zolar yoki to‘qimalarning yirtilishi ko‘rinishidagi mahalliy o‘zgarishlar, shuningdek tana bo‘shliqlarida qon quylishlari va yirik geomatomalar kuzatiladi. Markaziy asab tizimining og‘ir jarohatlarda asfiksiya belgilar yoki yurak paralichidan tashqari bosh chanog‘i suyaklari butunligining buzilishlari, bosh miyada keng qon quylishlari, miyaning chayqalishlarida (kontuziyalarda) esa shishlarning rivojlanishi kabilar o‘ziga xos patologik o‘zgarishlardir.

Yurak faoliyatining to‘xtab qolishi oqibatida asfiksiyaning rivojlanishi uzilib qolsa, masalan miokardit, endokardit yoki boshqa yurak kasalliklari mavjud bo‘lsa, o‘lim mexanizmlariga bog‘liq jasaddagi o‘zgarishlar yaqqol ifodalanmaydi va o‘ziga xos ko‘rinishlar kuzatilmaydi. Bunday holatlarda asfiksiya belgilarining yoki yurak paralichiga xos o‘zgarishlarning ustunligi haqida so‘z yuritish mumkin, xolos.

Mexanik asfiksiyalar, ko‘p miqdordagi qon yo‘qotish va ayrim mexanik ta‘sirlar bilan sodir etilgan o‘limlarda agoniya davridagi o‘zgarishlar yorqin ifodalanadi va o‘lim sababini inobatga olgan holda muhim diagnostik ahamiyat kasb etadi. Mazkur o‘zgarishlarga asoslanib o‘lim mexanizmi aniqlanadi va xulosa beriladi. Masalan:

1. Tos suyaklarining parchali sinishi va yirik tomirlarning uzilishi oqibatida ko‘p miqdorda qon yo‘qolishi hamda tos va qorin bo‘shliqlariga kuchli qon quylishi otning o‘limiga sabab bo‘lgan;

2. Siginring shoxlashi tufayli ko‘krak qafasining ikki tomonlama teshilishi oqibatidagi asfiksiyadan buzoq o‘lgan;

3. Bo‘lib o‘tgan hodisaning tafsilotlari, yuqori nafas olish yo‘llarida mayda pufakchali ko‘pik, o‘pkada mayda qon quylishlari va ko‘p miqdordagi suyuqlik mavjudligi, qonning suyuqlashgani, ko‘krak va qorin bo‘shliqlariga seroz suyuqlikning sizib chiqishi, shuningdek taloqning qisqarishi – qo‘yning cho‘kib o‘lganidan dalolat beradi.

Turli kasalliklardan o‘lgan hayvonlarda o‘lim mexanizmlariga bog‘liq agonjal o‘zgarishlar katta diagnostik ahamiyatga ega emas. Ular hayvonning tirikligida rivojlangan patologik jarayonlar bilan aralashib qoladi va ularni ayrim hollarda hatto differensiatsiyalash ham mumkin bo‘lmay qoladi.

Biroq konkret kasallikka xos bo‘lgan o‘lim genezinining (rivojlanishining) sun’iy tarzda buzilishi hayvonning tirikligida hosil bo‘lgan patologik jarayonlarga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Masalan, kasallikning so‘nggi (terminal) bosqichida noiloj so‘yilgan hayvonlar organizmida qon quylishlari, shishishlar va ichki a‘zolardagi turli yallig‘lanish jarayonlari juda yaqqol ko‘rinmaydi; gemodinamikadagi boshqa o‘zgarishlar haqida esa, hatto, aytmasa ham bo‘ladi.

Hayvonning tirikligida ichki a‘zolar va to‘qimalar- dagi patomorfologik jarayonlarga asosiy kasallik, uning asoratlari va hamroh kasallik sabab bo‘lishi mumkin, ayrim paytlarda esa ular organizmda moddalar almashinuvni va autoimmun reaksiyalarning buzilishlari oqibatida rivojlanadi. Yorib tekshirish natijalarini mohirlik va chuqur o‘ylab tahlil qilish asosidagina asosiy kasallik, uning asoratlari va hamroh kasallikni to‘g‘ri aniqlash mumkin. Asosiy kasallikkha aniq tashxis qo‘ymay turib, maqsadli davolash-profilaktika tadbirlarini tashkil etish va kutiladigan samaradorlikka erishish murakabdir.

Shu bilan birga, yuqumli yoki yuqumsiz kasalliklarning u yoki bu guruhi bo‘yicha asoslangan va o‘z vaqtida bildirilgan shubha (gumon) tezlik bilan umumiy profilaktika tadbirlarini o‘tkazishga imkon beradi. Masalan, zaharlanishlarda ozuqalarni yoki yaylovnii almashtirish ko‘pincha keyingi kasallanishlarning oldini oladi, yuqumli kasalliklarga gumon qilinganda esa kasal hayvonlarni o‘z vaqtida ajratib, izolyatsiya qilish va cheklash tadbirlarini o‘tkazish juda muhimdir.

Shuning uchun, u yoki bu chorvachilik xo‘jaligidagi hayvonlarning ommaviy o‘limida sodir bo‘lgan holatni nazarda tutib, virusli, bakterial va protozoy kasalliklar, zaharlanishlarda yuqumsiz kasalliklarda hayvon organizmi patomorfologik reaksiyasining umumiyligi qonuniyatlarini bilish – sanitariya-profilaktika chora-tadbirlari o‘tkazish uchun juda katta ahamiyatga ega. Hayvonlar kasalliklari bo‘yicha bu guruhlarning har birida o‘ziga xos patomorfologik xususiyatlar mavjud. Mazkur xususiyatlarga qarab, yuqumli kasalliklarning virusli yoki bakterial ekanligi, zaharlanishlarning mineral tabiatli yoki zaharli o‘simliklar tufayli ekanligi to‘g‘risidagi gumonlarni asoslash mumkin. Bunday dastlabki xulosa keyingi tekshirishlar doirasini toraytirishga va konkret zoologik tashxis qo‘yishni tezlashtirishga imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Акулов А.В. и соавт. “Патологоанатомическая диагностика болезней крупного рогатого скота”. М., “Агропромиздат”, 1987, 399 с.
2. Alimov B.A., Egamberdiyeva Z.Z. “Patologik anatomiyadan qo‘llanma”. T. “Ibn Sino”, 1993, 168 s.
3. Dilmurodov N.B., Kuliev B.A., Muxtorov B.Z., Axmedov S.M. “Gavda yorish va veterinariya sud ekspertizasining asoslari”. Samarqand. 2023. 71 s.
4. Ibodullaev F. “Qishloq xo‘jalik hayvonlarining patologik anatomiysi”. T. “O‘zbekiston”, 2000, 420 s.
5. “Лабораторные исследования в ветеринарии”. Под ред. Б.И. Антонова. М., “Агропромиздат”, 1986, 352 с.
6. Меркулов Г.А. “Курс патологистологической техники”. М. “Медгиз”, 1976, 340 с.
7. “Патологическая анатомия сельскохозяйственных животных”. Под ред. В.П. Шишкова и Н.А. Налетова. М., “Колос”, 1980, 440 с.

УДК: 616:619.3:615:636.2.053

Г.Х.Камаладдинов, студент, Г.Ф.Макаревич, доцент,

УО «Витебская ордена «Знак Почета»

государственная академия ветеринарной медицины»,

г. Витебск, Республика Беларусь,

П.Хасанова, студентка, Н.Б.Рузиков, доцент,

Самарканского государственного университета ветеринарной

медицины, животноводства и биотехнологий,

Е.А.Химич, Ветеринарная клиника “Дарел”, ветврач

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВЕТЕРИНАРНОГО ПРЕПАРАТА «УНИТОКС» В КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ ПРИ БОЛЕЗНЯХ МОЛОДНЯКА, СОПРОВОЖДАЮЩИМИСЯ ТОКСИЧЕСКИМИ ЯВЛЕНИЯМИ

Аннотация

В статье приведены результаты исследования эффективности ветеринарного препарата «Унитокс», предназначенного для лечения животных при отравлениях и болезнях, сопровождающихся токсическими явлениями. Установлена его высокая лечебная эффективность.

Abstract

The article presents the results of a study of the effectiveness of the veterinary drug “Unitox”, intended for the treatment of animals with poisoning and diseases accompanied by toxic phenomena. Its high therapeutic effectiveness has been established.

Ключевые слова: Эндотоксикоз, детоксикация, болезни молодняка, терапия, телята, поросята, ветеринарный препарат.

Введение. Понятие «Эндогенная интоксикация» (эндотоксикоз) обозначает патологическое состояние (синдром), развивающееся при различных заболеваниях вследствие накопления в организме различных токсикантов эндогенного происхождения при недостаточности функции системы естественной биологической детоксикации. При этом в жидкостях и тканях организма в нефизиологических концентрациях накапливаются промежуточные и конечные продукты нормального и нарушенного обмена веществ, которые оказывают патологическое действие на органы и ткани.

Детоксикация представляет собой комплекс лечебных мероприятий, проводимых с целью прекращения воздействия токсичных веществ и их удаления из организма. Достижению этой цели служит большое число методов, направленных на стимуляцию естественной детоксикации, а также проведение искусственной и антидотной дезинтоксикационной терапии.

Ветеринарный препарат «Унитокс» представляет собой прозрачную жидкость, от бесцветного до светло-желтого цвета, без механических включений. В 1 мл препарата содержится: - 200 мг натрия тиосульфата, вспомогательные вещества – трилон Б, натрия гидрокарбонат, бензиловый спирт и вода для инъекций.

Входящий в состав препарата натрия тиосульфат обладает дезинтоксикационным, противовоспалительным, десенсибилизирующим и противоацидозным свойством, стимулирует иммунитет, а также тормозит аллергические реакции. Натрий тиосульфат в организме образует

нетоксичные или малотоксичные соединения с солями тяжелых металлов, галогенами, цианидами. Обладает свойствами антидота по отношению к анилину, бензолу, йоду, меди, ртути, синильной кислоте, сулеме, фенолам. При отравлении соединениями мышьяка, ртути, свинца образуются неядовитые сульфиты. Основной механизм детоксикации при отравлении синильной кислотой и ее солями заключается в превращении цианида в тиоцианат-ион, который относительно нетоксичен.

Натрия тиосульфат при подкожном, внутримышечном и внутрибрюшинном введении проникает во все органы и ткани организма. Наиболее высокая концентрация натрия тиосульфата достигается в печени, почках, мышечной ткани и крови и отмечается через 15-30 минут.

Материалы и методы исследований. Испытания препарата «Унитокс» проводили на телятах в условиях Унитарного предприятия «Рудаково», где было сформировано две группы по 20 телят с клиническими признаками желудочно-кишечных и респираторных болезней, сопровождающихся токсическими явлениями. Формирование групп осуществляли по принципу условных аналогов. В схему терапевтических мероприятий для телят первой опытной группы был включен препарат «Унитокс», который использовали в качестве средства патогенетической и симптоматической терапии и применяли внутримышечно в дозе 30 мл на животное один раз в сутки в течение четырех дней. Телят второй опытной группы обрабатывали препаратом-аналогом («Антитокс»), согласно инструкции.

Испытания на поросятах проводили в условиях «СТК-24 тыс. Мессоры», Сенненского района, где было сформировано две группы по 50 поросят периода отъема с диарейным и респираторным синдромами и токсическими явлениями. В схему лечения поросят первой опытной группы был включен ветеринарный препарат «Унитокс», который использовали в качестве средства патогенетической терапии и детоксикации и применяли внутримышечно, один раз в сутки в течение 4 дней в дозе 1 мл на 10 кг массы тела. Вторая опытная группа поросят была обработана препаратом-аналогом («Антитокс»), согласно инструкции.

Результаты исследований. При изучении эффективности препарата «Унитокс», предназначенного для лечения животных при отравлениях и болезнях, сопровождающихся токсическими явлениями, установлена высокая лечебная эффективность, которая составила при комплексном лечении телят в возрасте 2-4 месяца с болезнями органов пищеварения и дыхания, сопровождающимися токсикозами - 90 %. Павших и вынужденно убитых животных в опытных группах не наблюдалось. Приросты живой массы телят в опытной группе, по сравнению с контролем, были выше на 12 %.

Высокая лечебная эффективность - 92 % регистрировалась и в опыте при комплексном лечении поросят периода отъема с желудочно-кишечными и респираторными болезнями, сопровождающихся токсикозами.

Заключение. Ветеринарный препарат «Унитокс», для лечения телят при отравлениях и болезнях, сопровождающихся токсическими явлениями, оказывает вы-

сокую терапевтическую эффективность – 90 %. При комплексном лечении поросят периода отъема терапевтическая эффективность составила 92 %.

Список литературных источников:

1. Внутренние болезни животных : учебник / И.М. Карпуть [и др.]; под ред. проф. И.М. Карпуть.- Минск: Беларусь, 2006. - С. 22-24, 183-200.
2. Выращивание и болезни молодняка : практическое пособие / Под общ. ред. А.И. Ятусевича [и др.] – Витебск: ГВАМ, 2012. - С. 225-230, 390-399.
3. Красочки, П.А. Болезни крупного рогатого скота и свиней / П.А Красочки, О.Г. Новиков, А.И. Ятусевич, А.С. Ястребов и др.; Ред. П.А. Красочки.- Минск: Технопринт, 2003. - 464 с.
4. Практикум по внутренним болезням животных / Под общ. ред. Щербакова Г.Г., Яшина А.В., Курдеко А.П., Мурзагулова К.Х.: Учебник. – СПб.: Издательство «Лань», 2021. – С. 543.
5. Ro'ziqulov N.B. Yosh hayvonlar va parrandalar terapiyasi. Darslik. Toshkent, “Fan ziyozi”, 2021. – В. 212.
6. Bakirov, B., Daminov, A. S., Ro'ziqulov, N. B., Toylaqov, T. I., & Saydaliyev, D. (2019). Qurbonov Sh. Boboyev OR, Xo'djamshukurov A. Hayvonlar kasalliklari. Ma'lumotnomma. Ikkinchil nashri. Samarqand, – В. 600.
7. Bradford P.Smith, David C. Van Metre, Nicola Pusterla. Large Animal Internal Medicine. Sixth Edition. ELSEVIER. Printed in the United States of America, 2020 by. - P. 1874.

ТАБАРРУК ЁШ МУБОРАК!



Қорақалпоғистон республикасида кўп йиллар давомида чорвачилик ва ветеринария соҳасида меҳнат қилиб келган устоз, самимий инсон Оразбаев Базарбек Каирович күтлуг 60 ёшини қаршилади. Қасбига бўлган садоқат, мухаббати сабаб эл эъзозида юрган соҳа фидойиси 1986 йилда Нукус қишлоқ хўжалик техникумининг ветеринария бўлимини тамомлаб, фаолиятини Қорақалпоғистон республикаси Давлат ветеринария бошқармасида веттехник лавозимида бошлиган 1994 йилда Қозогистон республикаси Урал шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтини зооветеринария мутахassisлиги бўйича битирди. 2013-2018 йилларда Нукус шаҳар ветеринария бўлими бошлиғи, 2018-2021 йилларда республика ветеринария лабораториясида бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатиб, ўз малакасини ва маҳоратини ошириб борди. Республикада эпизоотик барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Базарбек ага қайси лавозимда ишламасин, ҳар ишда ташаббускор, шоғирдлариға нисбатан доимо меҳрибон ва фамхўрдир. Ўз меҳнати ортидан обрў-эътибор қозонган Базарбек ага намунали оила бошлиғи. Жамоатчилик ишларидағи фаоллиги билан ўрнак. Бугунги кунда фарзандлари, набиралари, шоғирдлари ҳамда яқинлари даврасида 60 ёшини нишонлаётган Базарбек ағани күтлуг ёши билан самимий муборакбод этамиз, келгуси ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Сардорбек

УДК 619. 615.074

Н.Э.Йўлдошев, в.ф.д., профессор,
 С.Х.Эшмуродов, мустақил тадқиқотчи,
 А.А.Юзбоев, етакчи мутахассис, кимёвий таҳлилчи,
Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар
сифати ва муомаласи назорати бўйича илмий маркази,
Ж.Н.Даминов, таянч докторант, СДВМЧБУ Тошкент филиали

АНГЕЛЬМИНТ ПРЕПАРАТЛАР ТАРКИБИНИ УЛЬТРАФИОЛЕТЛИ НУРЛАНИШЛИ СПЕКТРОФОТОМЕТР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

Уибу мақолада қишилоқ хўжалиги ҳайвонларининг гельминтозлари олдини олини мақсадидаги республикамизга четдан импорт қилинаётган антгельминт препаратлар таркибидаги асосий таъсир этувчи воситалари лаборатория шароитида юқори самарали суюқлик хроматографида текшириши усули ва ультрафиолет нурланиши спектрофотометр ёрдамида текшириши усувлари таққослама ўрганилган.

Натижада ультрафиолет нурланиши спектрофотометр усулида юқори самарали суюқлик хроматограф усулига нисбатан кимёвий препаратлар сарфи 2-3 марта иқтисод бўлиши, шунингдек, ультрафиолет нурланиши спектрофотометр усулида лаборатория текширишларини олиб бориш юқори самарали суюқлик хроматограф усулига нисбатан 15 марта вақт тежасишига эришишига аниқланган.

Мақолада ультрафиолет нурланиши спектрофотометр усулининг иқтисодий жиҳатдан ва вақт сарфи нуқтаи назардан ҳам самарали бўлганилиги бу усулида лаборатория текширишларини кенг жорий қилиши орқали антгельминт препаратларини асосий таъсир этувчи воситасининг лаборатория таҳтили самараадорлигини оширишга, кимёвий реактивлар тежамкорлигига, вақтнинг тежасишига эришишини баён қилинган.

Калит сўзлар: спектрофотометр, хроматограф, колонка, албендазол, антгельминтиклар, асосий таъсир этувчи восита.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, бугунги кунда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Чорва моллари ва паррандаларда учрайдиган касалликлар, хусусан гельминтоз касалликлари кенг тарқалган бўлиб, ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволашда маҳаллий антгельминт воситалар билан биргаликда четдан кириб келаётган антгельминт воситалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда [1.2].

Мутахассисларга маълумки, аксарият антгельминт воситаларнинг асосий таъсир этувчи воситаси албендазол гурухига киради.

Шу сабабли биз чет давлатлардан импорт қилинётган антгельминт препаратлардан таркибидаги асосий таъсир қилувчи моддаси албендазол бўлган воситалар таркибини ўрганиш ишларига эътибор қаратдик [4].

Ўрганиш жойи ва усувлари. Ўрганишлар ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Илмий марказнинг синов лабораториясида ультрафиолет нурланиши спектрофотометр (UV-1800 ишлаб чиқарувчи: Япония, Shimadzu.) ёрдамида олиб борилди.

Антгельминтиклар таркибидаги албендазол миқдорини аниқлаш стандарт усулда спектрнинг ультрафиолет

Summary

In this article, in order to prevent helminthosis of agricultural animals, the method of testing the main active ingredient in anthelmintic drugs imported to our Republic in laboratory conditions by high-performance liquid chromatography and the methods of testing with the help of ultraviolet radiation spectrophotometer are compared.

As a result, it was determined that the use of chemical preparations by the UV spectrophotometer method is 2-3 times cheaper compared to the high-performance liquid chromatograph method, and 15 times the time saving is achieved when conducting laboratory tests using the UV spectrophotometer method compared to the high-performance liquid chromatograph method.

In the article, it is stated that the ultraviolet radiation spectrophotometer method is effective from the point of view of economic and time consumption, and through the wide introduction of laboratory tests in this method, it is possible to increase the efficiency of the laboratory analysis of the main active agent of anthelmintic drugs, save chemical reagents, and save time.

нурланиши спектрофотометрдан фойдаланган ҳолда бир хил тўлқин узунлиги таҳлили орқали амалга оширилди.

Фойдаланилган асбоблар, жихозлар, идишлар, материаллар ва реактивлар. ГОСТ 24104 бўйича максимал тортиш чегараси 50 г ёки 200 г ва тортиш аниқлиги 0,0005 г бўлган 2-синф аниқликдаги умумий мақсадли лаборатория тарозилари, 200 нм дан 900 нмгacha бўлган спектрал минтақада оптик ютилишнинг ўлчов диапазони ҳамда 0,5нм ўлчамлари билан сканерлаш спектрофотометр, ГОСТ 20903 бўйича ютувчи катлам қалинлиги 1 см бўлган тўртбурчак кварц кюветалар, ГОСТ 25336 бўйича номинал сигими 25 ва 250 мл бўлган ўлчов колбалири, ГОСТ 29169 бўйича номинал ҳажми 1, 2, 5 ва 10 мл бўлган битта ўлчов чизигига эга пипеткалар, тоғалик даражаси 99 % дан кам бўлмаган албендазолнинг стандарт намунаси, сувсиз сирка кислотаси ҳамда 96 % ли этанол [3.5].

Синовга тайёргарлик. Албендазол стандарт намуна эритмасини тайёрлаш учун 100 мг стандарт албендазол намунаси 200 мл сувсиз сирка кислотасида 250 мл ўлчов колбасида эритилди, эритманинг ҳажми бир хил эритувчи билан ўлчангандан ҳажмга созланиб, яхшилаб аралаштирилди ва шу аралашмадан 25 мл ҳажмли ўлчов кол-

басига 1 мл солиниб, устига 96% ли этанол эритмасини ўлчаш чизигигача түлдирилиб, яхшилаб аралаштиридик. Олинган стандарт намуна эритмасининг 1 мл таркибида 16 мкг албендазолни ўз ичига олади ва уни ёруғликдан ҳимояланган, маҳкам ёпилган шиша идишда саклаб, кун давомида фойдаландик. Текширилувчи препараттинг эритмасини тайёрлаш учун эса тахминан 1 г препарат (аниқ тортилган) 250 мл ҳажмли ўлчов колбасига 200 мл сувсиз сирка кислотаси кўшдик, қопқоғини ёпиб, 10 дақиқа давомида чайқатдик. Эритманинг ҳажми бир хил эритувчи билан ўлчанганд ҳажмга созланди ва яхшилаб аралаштирилди. Ушбу пробиркадан 1 мл олиб, 25 мл ўлчов колбасида 96% ли этанол билан ўлчов чизигига суюлтирилди ва яхшилаб аралаштирилди. Олинган препарат эритмаси ёруғликдан ҳимояланган, маҳкам ёпик шиша идишда сақланади, 1 кун давомида фойдаландик.

Референт эритмани тайёрлашда 25 мл ҳажмли ўлчов колбасига 1 мл сувсиз сирка кислота солиб, 96% ли этанол билан ўлчаш чизигигача суюлтирилди ва яхшилаб аралаштирилди (йўналтирувчи эритма).

Синов ўтказиши. Стандарт эритмасининг оптик зичлигини ўлчаш учун ушбу стандарттинг 2-бандига мувофиқ олинган препарат эритмаси, ушбу препараттинг 3-бандига мувофиқ олинган ҳамда ушбу референт эритманинг 4-бандига мувофиқ олинган мос ёзувлар асосида эритмасига қарши аниқланди. Спектрофотометрда аналитик тўлкин узунлиги $\lambda = (296 \pm 1)$ нм ютувчи қатлам қалинлиги 1 см бўлган кварц кюветада амалга оширилди.

Синов натижаларини ҳисоблаш. Препаратдаги албендазол (X) нинг мг/мл даги миқдори куйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$X = \frac{E_2 \times m_1 \times P_{c3} \times \rho_{20}}{E_1 \times m_2 \times 100}$$

m_1 - стандарт эритмасини тайёрлаш учун ишлатиладиган албендазол намунасининг массаси (аниқ), мг, m_2 - препарат эритмасини тайёрлаш учун ишлатилган препарат намунасининг массаси (аниқ), гр, E_1 - стандарт албендазолнинг оптик зичлик қиймати, E_2 - препараттинг оптик зичлиги қиймати, P_{20} - маҳсулот зичлиги, P_{c3} - ишлаб чиқариш сифат сертификатига эга бўлган албендазолнинг стандарт намунасидаги асосий модданинг таркиби (фоиз), 100- фоизларни бирликнинг касрларига айлантириш учун коэффициент.

Назорат натижасининг албендазол таркибини аниқлашда иккита параллел аниқлаш натижаларининг ўртача арифметик қиймати олинди, улар орасидаги нисбий рухсат этилган фарқ 1% дан ошмаслигига (ҳисобкитоблар ГОСТ 27025 талабларига мувофиқ амалга оширилади) Шунингдек, таҳлил натижасининг нисбий умумий хатоси 0,95 ишонч даражаси билан $\pm 3\%$ дан ошмаслигига эътибор қаратилди.

Натижалар. Ўрганиш натижаларига кўра, ушбу усул ёрдамида 2023 йил давомида қарийб 1000 тага яқин лаборатория таҳлиллари олиб борилди. Ушбу усулнинг устуворлиги шундан иборат бўлди, бунда бошқа синов усулларига нисбатан кимёвий реактивлар сарфи тежам-

корлиги ва лаборатория таҳлили вақти самарадорлиги кузатилди.

Масалан, юқори самарали суюқлик хроматографида битта лаборатория таҳлили учун 300мл ацетонитрил, 200мл метанол, 100мг стандарт намуна, ва 300мл ионизлантирилган сув сарфланиб, намунани тайёрлашга 30 дақиқа ҳамда лаборатория таҳлили учун 30 дақиқа вақт сарф бўлди.

Ультрафиолет нурланишли спектрофотометр ускунаси ёрдамида битта лаборатория таҳлили учун 100мл уксус кислотаси, 100мл этанол, 100мг стандарт намуна сарфланиб, намунани тайёрлашга 30 дақиқа вақт кетган бўлса, лаборатория таҳлили учун бор йўғи 2 дақиқа вақт керак бўлди.

Бундан кўриниб турибдики, юқори самарали суюқлик хроматографида текшириш усулига нисбатан ультрафиолет нурланиши спектрофотометр ёрдамида текшириш иқтисодий жиҳатдан ва вақт сарфи нуқтаи назаридан ҳам самарали усул ҳисобланади.

Қисқа хулосалар: Юқори самарали суюқлик хроматографида битта лаборатория таҳлили учун 300 мл ацетонитрил, 200 мл метанол, 100 мг стандарт намуна, ва 300 мл ионизлантирилган сув, Ультрафиолет нурланишли спектрофотометр усулида битта лаборатория таҳлили учун 100 мл уксус кислотаси, 100 мл этанол, 100 мг стандарт намуна сарфланди. Ультрафиолет нурланишли спектрофотометр усулида юқори самарали суюқлик хроматограф усулига нисбатан кимёвий препаратлар сарфи 2-3 марта иқтисод бўлади.

Ультрафиолет нурланишли спектрофотометр усулида лаборатория текширишларини олиб бориш билан юқори самарали суюқлик хроматограф усулига нисбатан 15 марта вақт тежалишига эришилади.

Ультрафиолет нурланишли спектрофотометр усулида лаборатория текширишларини кенг жорий қилиш орқали антгельминт препаратларини асосий таъсир этувчи воситасининг лаборатория таҳлили самарадорлигини оширишга, кимёвий реактивлар тежамкорлигига, вақтнинг тежалишига ҳамда таҳлил натижаларининг янада аниқлигига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А. О. Орипов, А. Ф. Фофуров, Н. Э. Йўлдошев, Ш. А. Джаббаров, Р. Б. Давлатов, М. Э. Фоипова “Қишлоқ ҳўялиларининг паразитология ва инвазион касалликлари”. Дарслик. Тошкент-2023 йил. 52-1586.
2. И.Х. Иргашев “Гельминты и гельминтозы карақульских овец” Тошкент-1973 йил. 14-536.
3. Н. Э. Йўлдошев, С. Х. Эшмуродов, Ж.Н. Даминов. “Veterinariya meditsinasi”. Республикаизда рўйхатга олинган импорт антгельминт препаратлар ва уларнинг таркиби бўйича ўтказилган тадқиқотлар. Тошкент.2023 йил. 7-сон 26-бет.
4. Б. Сайдкулов, Ҳ. Салимов, А. Орипов, Қ. Норбоев. Ветеринария мутахассислари учун қисқача маълумотнома. Тошкент -2015 йил. 176-202 б.
5. Россия Федерацияси давлат фармакопеяси XIV нашр, ОФС 1.2.1.2.0005.15., 1-боб, 894-905 бетлар.

СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ, ИСАЕВ

Чорвачилик тумани ҳисобланган Қўшработнинг Қўштамғали қишлоғидан чикқан ветеринария фидойиси, ёшларнинг меҳрибон устози, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети катта ўқитувчisi, заҳматкаш олим Музаффар Исаев 70 ёшни қаршилади. Биз уни 17 январь куни дўстона табриклидик. Исаевлар хонадонида узок-яқиндан келган меҳмонлару қўнгилга яқин инсонлар, ўнлаб шогирдлар қатори кафедрамиз жамоаси жамланиб, зарбоғ тўй билан сийланган оқсоқолга узок умр тиладик. Табрик сўзлари юракдан, тўлқинланиб айтилди ва албатта хонадон бекаси тайёрлаган таомлару дўстлар ҳазили даврага файз киритди. Хонадон йигирмадан ортиқ набиралару болакайларнинг қий-чувига тўлди. Қўштамғалида кечган болалиқ, гоҳ автобусда, гоҳ йўловчи автомашинада олис Қўшработдан Самарқандга, институтга йўл олган кезлар, институтдаги биринчи дарс, илк синов-имтиҳонлар ёдга олинди. У пайтлар хозиргидек шарт-шароитлар қаерда эди дейсиз. Китоблар рус тилида бўлар, талабанинг кийиниши, юриш-туриши ҳам одмигина, кўчада уловлар ҳам саноқли эди. Не ажабки, Қўштамғалидан келган йигит жуда тиришқоқ чиқди, рус тилида ёзилган адабиётларни тез ўзлаштириб, худди ўзи ёзган одамдай



мазмун-моҳиятини бехато айтадиган бўлди. Шу тариқа устозларнинг ҳам унга меҳри тушди. Музаффар Исаев 1976 йил институтни имтиёзли диплом билан битиргач, худди талабалик даврида бўлгани каби амалиёт жараёнида ҳам фаол бўлишга интилди. Дастрлаб Булунғур туманидаги Улуғбек номли давлат хўжалигига, сўнг Хатирчи туманининг “Олтинсой” давлат хўжалигига, Самарқанд вилоятининг бир қатор чорвачиликка ихтисослашган ташкилотларида бош ветеринария врачи сифатида самарали меҳнат қилиб, кўпчилик эътиборини қозонди. 1999 йилдан 2008 йилгacha Музаффар Исаев вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади ва унинг раҳбарлигига вилоят бўйича жами эски 119 та ветеринария участкалари тугатилиб, уларнинг ўрнига 428 та ветеринария пунктларини ташкил этилди, ҳар бир ветеринария пунктига хизмат қилиш худудларининг белгилаб бе-

рилиши билан ветеринария врачларининг масъулияти оширилди. Шунингдек, вилоятда эпизоотик холат яхшиланди, мулкчилик шаклидан катъий назар, барча ҳайвон ва паррандалар давлат ветеринария хизмати назоратидан ўтказилишига эришилди, ветеринария мутахассисларининг малақаси ва тажрибасини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Музаффар Исаев Беларуссиядаги йирик анжуманда, Францияда халқаро эпизоотик бюронинг бош сессиясида, Мисрда, Осиё, Лотин Америкаси, Африка мамлакатлари чорвадорларининг йигинларида фаол иштирок этиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини кенг тарғиб этди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, у қайси лавозимда ишламасин, ўқиши-ўрганишдан тўхтамади ва амалиёт билан илмни уйғунлаштира олди. Шу боис 1990 - 1996 йиллар давомида ўзи ўқиб, таълим олган Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультетининг “Гистология ва патанотомия” кафедрасида катта ўқитувчи сифатида талабаларга дарс бериши билан бир вақтда ВИТИ аспирантурасида ўқиб, 1995 йили профессор Ф.Ибодуллаев раҳбарлигига ветеринария фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди. Шу кунгacha 27 та илмий мақола, 2 та тавсиянома ва олий ўқув юртларининг “Ветеринария” факультети талабалари учун “Гистология” фани бўйича 2 та дарслик ва 2 та ўқув кўлланмаси ҳаммуаллифи саналган Музаффар Исаевнинг самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1984 йили “Меҳнатда ўrnak кўрсатгани учун” медали, Ўзбекистон мустақиллигининг 10-15-20-25 йиллик кўкрак нишонлари ҳамда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимлигининг фаҳрий ёрликлари билан мукофотланган.

Айни пайтда у жамоамизнинг фаол аъзоси, тажрибали педагог сифатида ёшлар қуршовида. Музаффар Исаев нафақат етук мутахассис, соҳа билимдони, фарзандларининг жонкуяр отаси, 20 га яқин невараларнинг бобоси ҳамmdir. Ўғилларидан икки нафари ота изидан бориб, фалсафа фанлари доктори узвонига эришган, олийгоҳларда таълим-тарбия беришмоқда.

Ярим асрдан бўён ўзи севган касбни ардоқлаб, илму амалиётда ҳамкасларига ўrnak бўлаётган самимий инсон Музаффар Исаевни яна бир бор табаррук ёши билан кутлаймиз. Фарзандлару набиралар баҳтига доимо соғ бўлинг!

Низом Фармонов,
*СамДВМЧБУ, Ветеринария фармацевтикаси
кафедраси мудири*



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, РАМОНЖОН АКА

— Оилавий мухит мени болалигимданоқ ҳайвонларга меҳр қўйишу, ветврач бўлишга ундаған. Бобом, бувим, отам, онам ва аммам ветврачлик ортидан хурмат қозонган. Бобомни туманнинг у четиу бу четида ҳамма билимдан мутахассис сифатида яхши биларди. Отам эса менга ҳозир ҳам 40 йил шу соҳада муттасил ишлаган тажрибали мутахассис сифатида йўл-йўриқ, маслаҳат берадилар. Уларнинг дуоси мени магистратурада ўқишимга, туман ветеринария ва чорвачиликни риовижлантириш бўлимига бошлиқ бўлишимга имкон яратди, — дейди Мирзабобур Рамонжон ўғли Махсудов. — Агар жамоа аҳил бўлса, ёшлар устозлар гапини икки қилмай, уларнинг тажрибасига таянган ҳолда фаолият юритса, ҳар қандай муаммони бартараф этиш мумкин. Бизда шундай, эпизоотик барқарорликни сақлаш, қўмита раисининг топшириқ ва буйруқларини сўзсиз бажаришга ёшу қари бирдек масъул. Зоҳиджон Асқаров, Дилшодбек Қорақўзиев, Бахтиёржон Акаев, Улуғбек Рассолов, Икромжон Абдуллаев сингари ветучастка мудирлари маҳаллабай ишлашга ҳам ташхис марказига патматериалларни ўз вақтида келтиришу сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришга ҳам улгуряпти. Чунки зиммага қўйилган вазифа аниқ, баҳона қилишга асос йўқ. Бош мутахассис Рустамжон Назаров навбатма-навбат ветучасткалар фаолиятини таҳлил қилиб боряпти. Ветеринария тадбирларини ўюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида маҳалла ра-



бошдан ортиқ жониворлар эмлаб чиқилди. Бруцеллэз, кутириш касаллигига қарши эмлаш ишлари ҳам намунали ташкил этилди. Хонадонма-хонадон юриб уй ҳайвонларини хатловдан ўтказиш, хавфли касалликлардан аҳолини боҳабар қилиш, ҳайвонларни эмлаш, шунингдек идентификация жараёни айни чоғда ҳам давом этаяпти.

Мирзабобир эътироф этган инсон – унинг отаси Рамонжон Ёвминжон ҳожи ўғли билан сухбатлашдик. У қирқ йилдирки, туман марказий дехқон бозоридаги ВСЭЛ мудири, юзлаб, минглаб шогирдлари бор билимдан инсон. Ветеринария назорати остидаги қайси маҳсулотни айтманг, сифатлиси қайси тусда, ҳиди қанақа бўлади, сўзлаб беради. Шу йиллар ичida унинг бошидан не-не синовлар ўтмади дейсиз. Қайси бир йили Норинда шундай шумхабар тарқалди, бир оиласдан икки киши овқатдан заҳарланиб ўлиби, қолганлар касалхонага тушган, ахволи оғир эмиш. Норинни текширувчи босди, айтишдики, тарвуздан заҳарланган, тарвуз эса бозордан олинган, демак ВСЭЛ айборд. Рамонжон aka пойтахтдан келган текширувчиларни етаклаб ачиган тарвуз сувини дори, деб сотаётган аёлнинг олдига бошлади. Бу нима учун дейиши? Шу сувни камгина оч қоринга ичилса, ичаклару ошқозондаги қуртларни туширади, деди кампир. Ветврачни айблашга ҷоғланган ва уни қамоқда чиритаман, деган прокурор бошини сарак-сарак қилди, гап нимада? Маълум бўлишича, яқинда хонадонга келин бўлиб тушган аёл тушлик маҳали ҳаммадан ортган шўрвани айниб қолмасин, дея музхонага қўйган. Бир кун илгари эса ўша аёл музхонани тозалаш асносида йиғилиб қолган музларни пичоқ билан тушираман, деб музхонанинг юкори қисмини шикастлайди. Ана ўша жойдан бир неча томчи фрион сизиб чиқадиу шўрвага тушади. Кечқурун бутун



ислари билан бақамти ишлайпмиз. Маҳаллада бирор киши йўқки, ветврачни танимайдиган бўлсин. Агар маълумотларга назар ташлайдиган бўлсан, ўтган йил давомида туман бўйича қўйдирги касаллигига қарши 61 минг 78 бош қорамол, 49 минг 106 бош қўйлар, 290 бош отлар, оқсил касаллигига қарши 20 минг 417 бош қорамол, 9166 бош қўйлар ҳамда қорасон касаллигига қарши эса 1 минг 500

оила бу таомни иситиб истеъмол қилади. Тонг сахар аввал кампир, сўнг чол оламдан ўтади. Оиланинг колган аъзолари касалхонага тушади. Рамонжон aka ана шуларни аниқлади ва фрионнинг бир томчиси бир тоғора шўрвани инсонни ўлдирадиган даражада заҳарлашини текширувчиларга исботлаб беради. Бундан пойтахтдан борган текширувчиларнинг каттаси ҳайратга тушади. Ветврачнинг билимдонлиги, қийин вазиятда ҳам довдира бўлмасдан зукколик билан ўзини ва ҳамкасларини муқаррар жазодан кутқариб қолганини республика Боз прокурори вакили ҳам олқишлиади. Зўр мутахассис экансиз, маслаҳатингиз зарур бўлса, қўнгироқ қиласиз, раҳмат сизга, дейишади. Рамонжон aka эса одатдагидек кулиб қўяди, асоссиз ўдагайлаган туман прокурорини худога солади.



– ВСЭЛ ходими учун турли асбоб-ускуналарда бемалол ишлаш, ташхислашдаги маҳорат камлик қилади, айбор оғзини очолмайдиган даражада мантиқли сўзлай олишинг ҳам керак. Агар ўшанда биз одамлар нимадан ўлганини билолмаганимизда, айбор ветврач, яъни ўзимиз бўлардик. Бизни қамоққа тикишарди, ветврач сифатида юзимиз қора бўларди. Аччик, аммо бор гап бу. Музхонанинг шикастлангани эса ҳеч кимнинг эсига келмасди, – дейди Рамонжон aka. – Ўшанда биласизми, СЭС врачи ҳам бизни айبلاغан, тарвузни текширмай савдога чиқаргансиз, одамлар сифатсиз тарвузни еб ўлган, деган. Ҳолбуки, кечқурун ўша ўлган кампир ҳам, чол ҳам олдига қўйилган тарвуздан татиб ҳам кўришмаган. Буни оиланинг бошқа аъзолари билан гаплашганда айтишган. Ҳозир ўша СЭС врачи мени кўрса, хижолатдан жойида ўтиrolмайди, ура қочади, прокурор эса бошқа туманга ўтгач, пора билан тушиб қамалиб кетди. У бизни ноҳақ айبلاغан, айбимиз исботланмай туриб, қамоқда чиритаман, сен муттаҳамни, деганди, охир-оқибат билиндики, унинг ўзи нокас экан.

У бир муддат тин олди, оғир хўрсинди, юрагини эзган, бошини ғувиллатган лаҳзалар ёдига тушди ҷоғи, сўнг яна сўзида давом этди: – Ахир тарвуздан ҳатто бу неъмат ачиб кетгандан кейин ҳам уни еган



одам ўлмаслигини, шунчаки қорни оғриб ичкетар бўлишини яхши билардим. Ачиган тарвуз суви эса паразитга қарши дори сифатида бозорда сотилишини СЭС ходими ҳам назардан қочирган. Бир сўз билан айтганда, оқилона фикрлаш, ҳозиржавоблик бизни кўп бор балолардан асраб қолган. Шунинг учун ўғлимга ҳам шогирдларга ҳам тақор ва тақор айтаман, ўқиши-ўрганишдан асло тўхтаманглар. Ўзимизнинг нашр “Veterinariya meditsinasi” доимо ёнингизда бўлсин. Унутманг, ўқишдан тўхтаган мутахассис сифатида ўлади, бу ветврач устозларим, боболаримнинг гапи.

Рамонжон aka отасию бобоси ва бувисини хурмат билан тилга олди. Ўғли Мирзабобирнинг турли ҳайвонлару кушларга ишқибозлигини ғурур билан айтиб ўтди. Махсудовлар ҳовлисида зотдор отлару кўпкарида совриндор бўлган тулпорларни кўрдик. Даканг хўрзлар, наслии итлар ва яна қанча жониворлар ҳовлининг турли четларидан ўрин олган. Кушларнинг овози эрта тонг хонадонга ўзгacha файз бағишлиади. Рамонжон aka фарзандларини ҳайвонот оламига ана шундай муҳитда қизиктира олган. Ҳар бир жониворнинг борлиги, уни парваришилашу касалликлардан ҳимоя қилиш жараёни хонадонда улгайган ёш мутахассислар учун тажриба тўплашу амалиёт вазифасини ўтаган. Бугун ҳам шундай. Албатта Рамонжон aka бор экан, бу анъана узоқ йиллар давом этажак. Шу боис биз ҳам Нориндан қайтар ҷоғ ветврачлик касбининиг ору номусини юрагида сақлаб, фарзандларини ортидан эргаштириб келаётган устозга узоқ умр, бахту саодат тиладик.

Сирожиддин

ЮТУҚЛАР ТАШАББУСКОРЛИКДА

Илгари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Сирожиддин Бердикулов айни пайтда Нуробод туманида ҳоким. Ўринбосари Ғолибжон ҳам илгари қўмита тизимида халқаро ҳамкорлик масалалари билан шуғулланган йигит. Шу боис чорвачиликка ихтисослашган мазкур туманда бўлиб, ветеринария хизматидаги ўзгаришлар билан кизикдик. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Юсуп Рўзиевнинг эътироф этишича, туманда чорва бош сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиқда ишләтган 30 та ветучасткадаги мутахассислар туну кун эл хизматида.

— Туманимиз худуди жуда катта. Айрим қишлоқлар оралиғи 30-40 километрни ташкил этади, қорақўлчилик хўжаликларининг отарларига бориш ҳам осон эмас. Шунга қарамай ветврачларимиз эпизоотик барқарорликни таъминлаш мақсадида эмлаш занжири узилиб қолмаслигига эътибор беряпти. Ўз шижаоти билан ҳамкасларига ўрнак бўлаётган тажрибали ветврачларимиз ҳам оз эмас, — дейди Юсуп Рўзиев. — Масалан, Турғун Лутфуллаев — “Сарой-Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги ветучасткада мудири, яқинда 60 ёшга тўлди. Унинг шу соҳада ишлаётганига 40 йилдан ошди. Жамоамиз номидан ҳамкасбимизни туғилган кунида самимий табриклидик. Шу баҳонада жамоамиз дастурхон атрофида юзлашди, муаммолар ҳам ютуқлар ҳам таҳлил этилди. Галдаги вазифаларни белгилаб олдик.

Юсуп Рўзиевнинг эътироф этишича, бугун чорвачиликка ихтисослашган туманларда қайта ишлаш тизимини ташкил этиш, шу орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш жуда мухим. Бу қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш демакдир. Шу мақсадда туман ҳокими ташабbusи билан бир гурух нурободлик мутахассислар Хитой давлатига боришини режалаштироқда. Улар орасида Юсуп ака ҳам бор.



Январнинг сўнгги кунлари Юсуп ака Хитойдан телеграмм орқали қўнғироқ қилди, расмлар жўнатди.

Чет элликлар билан гурунглашыпмиз, уларнинг технологияси, асбоб-ускуналари билан танишяпман. Бир сўз билан айтганда тассуротлар бир олам. Асосий эътиборим чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналарга қаратилган. Биз учун ҳам арzon, ҳам сифатли ва ишлатиш мураккаб бўлмаслиги лозим. Энергиятежовчи бўлса янам яхши. Танлаш имконияти катта, Хитой технологиялари булоқдек қайнаган деганлари рост экан. Кувончлиси шундаки, хитойликларнинг бизга эътибори баланд. Яна бир жиҳат, бизнинг келишимиз Президентимизнинг Хитоига ташрифи кунларига мос келди. Бу чинакам баҳт, омад. Эришилган натижалар, қайси технологияларни Нурободга келтирмоқчи бўлаётганимиз ҳақида ҳозирча айтмай турай. Подадан олдин чанг чиқармаслик керак, деб ўйлайман, аммо бу сафардан умидларим бекиёс, — дейди Юсуп ака. — Сизларга ва ветеринариямизнинг барча жонкуярларига эса Хитойдан саломлар, омон бўлинглар, кўришгунча.

Севинч Эргашева

01:29 5G

Перевести полный текст

石榴云

签约4467万美元！中国—乌兹别克斯坦地方间企业对接会召开

石榴云/新疆日报原创 2024-01-22 23:20:28

石榴云/新疆日报讯（记者 黑宏伟 米日古力·吾甫尔）1月22日，中国—乌兹别克斯坦地方间企业对接会在乌鲁木齐召开。现场，新疆贸促会分别与乌兹别克斯坦塔什干市工商业会和花剌子模州投资、工业和贸易局签署合作备忘录，中方18家企业与乌方达成签约项目18个，签约金额达4467万美元。

中华人民共和国新疆维吾尔自治区人民政府 SHUAPU MULQ Hukumatigina
乌兹别克斯坦共和国, 工业和贸易部
Uzbekiston Respublikasi, Sanoat va Tashkot
国国际商会
GUARANTEED BY CHINA CHAMBER OF COMMERCE



ВЕТВРАЧЛАР ОҚСОҚОЛИ

Элнинг дуосини олган асло қаримайди, Аллоҳ унга ризқ беради, деган гапда жон бор. Бу худди пахтачилик ветврач Рамазон бобо Бобоев хақида айтилгандек. Чунки у 10 январь куни 91 ёшни қаршилади ва юбилей баҳонасида сўроқлаб келган каттаю кичикка биринчи бор молни даволагани, ундан сўнг Пахтачи ва Нарпай туманларидағи турли хўжаликларда ветврач, хўжалик раҳбари, зоотехник, бош ветврач бўлиб ишлаганини завқланиб гапириб берди. Пахтачи туманидаги Украваш қишлоғида туғилиб, 11 нафар фарзандли бўлган ва уларни элга қўшган бу хушбахт инсон айни чоғда "Украваш" маҳалла фуқаролар йигинига қарашли "Жасорат" кўчасидаги 12-үйда истиқомат қилмоқда. Бобони кутлуг кун билан самимий табриклидик, янада бар-



дам бўлинг, дедик ва ўзимизга ҳам шу кутлуг ёшлиарга кириб юришни тиладик. Ахир чеҳрасидан нур ёғилиб турган кишини кўрганда у каби бўлгинг келади-да.

– Инсон қайси касбни танламасин, қилаётган ишидан завқланса, меҳнатига яраша наф кўрса, чарчамайди. Биз шундай яшаб ишладик, ветврачлик мени элга танидти, ризқ берди, Аллоҳга беадад шукр, – дейди ветврачлар оқсоқоли. – Мақтаняпти деманг-у, раҳбар бўлиб ишлаганимда, туман, вилоят миқёсида биринчиликни қўлдан бермаганмиз ва яна туман марказидан то чекка қишлоқларгача барча жойдаги кам таъминланган оиласаларга баҳоли кудрат моддий ёрдам берганмиз. Балки уларнинг дуоси ҳам шу ёшга етишимга сабабчи бўлгандир.

Қувончлиси шундаки, шогирдлари қанчалигини ўзи ҳам билмайдиган танти бу инсоннинг меҳнати давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланган. Бундан гувоҳлик берадиган хужжатлар қучокка

сифмайди. 1975,1976,1977,1978 йиллардаги Меҳнат голиби, 9, 10- беш йилликлар голиби кўкрак нишонлари,1990 йилдаги "Кўп йиллик хизматлари учун" медали, 1993 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан берилган "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" фаҳрий унвони. Бу мукофотларнинг ортида неча-неча ҳаловатсиз кунлар, маваққатлар, қишлоқма-қишлоқ чарчоқ билмасдан кезишлар йўқ, дейсиз.

Айни чоғда ҳам бобо фаол, қишлоқнинг оқсоқоли, эл назаридаги инсон, катта бир оиласининг отаси сифатида одамларга маслаҳатгўй, жамоат ишларида фаол. Ахир 11 фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли қилиш, 35 нафар неварао 22 эваранинг тўйига боз бўлиб яшаш ва яна шогирдларга ибрат бўлиб, қаддини тик тутиш подшоларга ҳам насиб этмаган. Ветврачлар оқсоқоли ана шундай Аллоҳ сийлаган инсон. Нашримиз илмий жамоаси номидан бобога яна бир карра узоқ умр, баҳт-саодат тилаймиз.

Аброр Худайбердиев.



2024 ЙИЛ “VETERINARIYA MEDITSINASI” ВА “CHORVACHILIK VA NASLCHILIK ISHI” ЖУРНАЛЛАРИГА ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КҮРИБ ЧИҚИШ ВА ЧОП ЭТИШ ТАРТИБИ

Илмий мақолаларни топшириш тартиби

1. Журналларга ветеринария ва чорвачилик йўналишларига мавзулари мос келадиган, илгари нашр этилмаган материалларни ўз ичига олган мақолалар қабул қилинади.

2. Мақоланинг тузилиши қўйидагича:

2.1. УЎК индекси.

2.2. Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сарлавҳаси бош харфларда ярим бўялган ҳолда берилади.

2.3. **Муаллифлар ҳақидағи маълумот.** Барча муаллифларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси, илмий унвони, лавозими, ишлаётган ташкилотининг тўлиқ номи (агарда муаллифлар бир нечта бўлса алоҳида) тўлиқ бўлиши лозим.

2.4. Аннотация ўзбек, рус ва инглиз тилида - 100-150 сўзда берилади. Аннотациянинг мазмуни мақоланинг тузилишини қисқача акс эттиради. Кириш қисми минимал. Натижалар тақдимотида аниқ маълумотлар (хulosалар, тавсиялар ва бошқалар) мавжуд бўлиши керак.

2.5. Ўзбек, рус ва инглиз тилларida 8-10 та калит сўзлар бўлиши лозим.

2.6. Таҳририятга юборилган мақолалар таркибий қисмлари илмий мақолаларга қўйилган қўйидаги халқаро талабларга мос келиши (сўз бошида алоҳида сарлавҳада: кириш; қисқача адабиёт шарҳи, тадқиқот ишларини бажариш усуслари ёки услубиёти; тадқиқотнинг базаси, бориши ва натижалари; олинган натижалар тахлили, мухокама ва қўллаш доираси; хulosалар; фойдаланилган адабиёт қисмлари бўлиши) керак.

2.7. Библиографик рўйхат ГОСТ 7.0.5-2008 га мувофиқ форматланиши керак (манбага ҳаволалар квадрат қавс ичидаги берилган ҳолда).

3. Таҳририят мақолаларнинг Microsoft Word дастурида A4 формати, Times New Roman шрифтида 12 пт ҳажмда 1.15 интервал билан терилган, параграфга чекиниш – 0,6 см, сўзбошиси 1.25, дефис – автоматик, ҳошиялар: чап ва ўнг, юкори ва пастки – 2,5 см.даги электрон версияларини нашрга қабул қилиди. Формулалар Microsoft мухарририда, жадваллар Microsoft Word шаклида 10 пт шрифтда терилади.

5. Кўллэzmанинг ҳажми аннотация ва фойдаланилган адабиётларсиз, жадвалларни ўз ичига олган ҳолда компьютерда ёзилган матннинг камида 7 стандарт саҳифасини ташкил қилиши керак. Чоп этилмаган кўллэzmалар муаллифларга қайтарилмайди. 5. ОАК талабига мувофиқ илмий мақолалар мажбурий экспертизадан ўтказилади.

6. DOIли мақолалар ва реклама материаллари учун ўрнатилган тартибда тўловлар амалга оширилади.

7. Илмий мақолалар “Veterinariya meditsinasi” журналига – zooveterinariya@mail.ru, “Chorvachilik va naslchilikishi” журналига -chorvador.list.ru электрон манзилига юборилади.

Илмий мақолаларни кўриб чиқиши

1. Барча қўллэzmаларни кўриб чиқишига илмий кенгаш аъзолари, муайян йўналиш бўйича юқори малакали олимлар жалб этилади.

2. Мақолани экспертизадан ўтказиш учун муайян тақризчиларни танлаш тўғрисидаги қарор журналнинг бош мухаррири ёки бош мухаррир ўринbosари томонидан қабул қилинади.

3. Кўллэzма муаллифларига тақриз матни билан танишиша унинг нусхасини олиш имконияти берилади.

4. Тақризчи (лар) қўйидагиларга эътибор беради: мақоланинг мазмуни сарлавҳада келтирилган мавзуга мос келадими; мақолада илмий янгилик элементлари мавжудми; мақола илмий ва амалий аҳамиятга эгами; ушбу мақала бўйича илгари нашр этилган адабиётларни ҳисобга олган ҳолда мақола чоп этиш мақсадга мувофиқми; мақоланинг айнан қандай ижобий томонлари, шунингдек, камчиликлари, муаллиф томонидан қандай тузатиш ва қўшимчалар киритилиши кераклиги. Кўллэzmани кўриб чиқиши натижаларига кўра тақризчи мақоланинг кейинги тақдирни бўйича тавсиялар беради.

5. Журнал таҳририяти мақола муаллифларига тақриз нусхасини ёки асослантирилган рад этиши хulosасини юбориш мумкин.

6. Нашрга қабул қилинган, лекин такомиллаштиришга муҳтоҷ мақола муаллифга унинг мулоҳазаларини инобатга олиш тақлифи ва тақриз матни билан юборилади. Мақолани қайта кўриб чиқиши, хато-камчиликларини бартараф этиши иккита ҳафтадан ошмаслиги лозим.

Илмий мақолаларни чоп этиши

Мақолаларни чоп этишнинг асосий шартлари: кўллэzmани талабларга мувофиқ тайёрлаш; берилган назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг ишончлилиги; тақдимотнинг аниқлиги ва ихчамлиги.

Кўйидагиларни чоп этишга руҳсат этилмайди: мавзулари журналнинг илмий йўналишига тааллуқли бўлмаган мақолалар; тўғри тайёрланмаган мақолалар, муаллифлари тақризчи эътироzlарини техник жиҳатдан қайта кўриб чиқишини рад этганда.

Таҳририят мақолаларни илмий ва адабий таҳрири қилиши хукуқини ўзида сақлаб қолади.

Таҳририят мақолалари нашрга қабул қилиш ёки уни рад этишнинг мутлоқ хукукига эга (унинг карори якунийдир).

Қабул қилинган кўллэzmалар муаллифларга қайтарilmайди.